

ҲАБИБ ҚАРИМОВ

ҚУТЛУҒ
БАШАРОВ


Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Қутлуг Башаров салкам ярим асрлик ҳаёт кечирди. Эндиликда истеъододли мўйқалам соҳибининг номи на фагат Иттилоғимиз, чет эл томошабинларига ҳам маълум. Китобхонлар дикқатига ҳавола қилинаётган мазкур риссолада ёш санъатшунос Ҳабиб Каримов рассомнинг баракали инжодини атрофлича очиб беришга ҳаракат қилган.



Бунёдкор ҳалқига сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир қилқалам эгаси ижоднинг юқори поғоналарига осонликча кўтарилемайди. У маэмундор ҳаёти-миэни санъаткор кўзи билан кузатиб, ўргангач, ижодхонасида кунни тунга, тунни кунга улаб машқ қилиди. Асари элга манзур бўлса, илҳоми жўш уриб, келгуси мавзуларга унналади. Ҳа, кўриб турганимиздек, тасвир устаси Қутлуғ Башаров ҳам яратиш шукухи билан ёниб көляпти.

ҲАБИБ НАРИМОВ

ҚУТЛУҒ
БАШАРОВ



ҲАБИБ ҚАРИМОВ

ҚУТЛУҒ
БАШАРОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган санъат арбоби
ва Ўзбекистон
Ленин комсомоли лауреати
Қутлуг Башаровнинг ижоди
ҳақида монографик очерк

26/296

Ғафур ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент—1976

10 (152)

Мазкур рисолани нашрга тайёрлашда муҳаррир ХАЙРУЛЛА ЭРГАШЕВ, бадиий муҳаррир ИВАН КИРИАКИДИ, рассом КОНСТАНТИН ВОРОБЬЁВ, төхник муҳаррир ВАЛЕНТИНА БАРСУКОВА қатнашдилар.

© Гафур Гулом помидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

Фарзандинг ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бўлакча, дейишади ота-боболаримиз. Ҳозирги ўзбек совет сураткашлик санъатига нигоҳ ташласак, бу қунт ва истеъдодталаб соҳада ўнлаб қилқалам соҳибларининг яратувчилик шукуҳи билан мўйқалам тебрагтаётганинг шоҳиди бўламиз. Уларнинг ҳар бирин ўзига хос услуб, салоҳият даражасида асарлар яратиб келмоқдалар.

Ўзбек графика санъати, энг аввало, қудратли Ватанимизда рўй бергаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳозиржавоб бўлишга интиляпти. Тасвир усталари КПСС XXIV съездининг коммунистик жамият барпо этиш борасидаги кўрсатмалари асосида ўз бунёдкорлик меҳнати билан коммунизм моддий-техника базасини яратгаётган меҳнат аҳлини коммунистик руҳда тарбиялашда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Зотан, коммунистик партия санъат арбобларини ягона оиласи ташкил қилган биродар ҳалқларимизнинг фаровони хаёти тўлақонли ифодаланган реалистик асарларни қўплаб яратишга даъват қилмоқда. Ана шу даъватни амалга оширишда сидқидилдан ижодий тер тўкиб келаётганлардан бири Кутлуғ Башаровдир. Унинг қатср манзур ва мақбул дастгоҳли расмлари, китобий безаклари ўзбек совет тасвирий санъатида фаҳрли ўринни эгаллаб келяпти.

Қ. Башаровнинг ижоди камол топган йиллардаги асарлари билан танишар эканмиз, уларда образлилигининг кучли ва таъсирчан бадиӣ сайқал топганлиги, новаторликка интилиш ҳамда атоқли совет графика усталари кашфиётидан ижодий фойдаланишга мойиллик мавжудлигини сезамиз.

Икки муҳим жараён — миллий маданият анъана-лари асослари ва ҳозирги замон совет сураткашлигини тажрибаларини ўзлаштириш шу кунгиг ўзбек графикасининг ўзига хос услубий жараёнини ташкил этади. Ҳозирги замон ўзбек графика санъатининг тараққиётида, бу соҳани ривожлантиришда ўзбек санъаткорларни билан бир қаторда рус, украин, белорус, грузин, латиш, татар, озарбайжон ва бошқа миллат тасвир усталари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бу фактор ўзбек тасвирий санъатининг интернационаллигига, ўз милллий қобигига ўралиб қолмай, кенгроқ

қулоч ёйишига омил бўлмоқда. Бу борада Қутлуғ Ба-
шаровнинг ҳиссаси ҳам каттадир.

Ўзбек совет тасвирий санъатининг учинчи бўғини-
га мансуб рассом Қутлуғ Башаров ижод йўлини бош-
лаганидан бери талайгина ёрқин график лавҳалар
яратиб, жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Санъ-
аткор бундай ижодий ютуқларга замондошларимиз-
нинг ёрқин образларини, меҳнаткаш халқларниңг
улуғвор мэрралар сари дадил интилишини, доҳий
В. И. Ленин асос соглан Коммунистик партияниң
ташкилотчилик ва авангардлик ролини очиб берини,
революцион курашларниң романтикасини, Улуғ Ва-
тан урушининг қаҳрамонликлари, тинч қурилиш йил-
ларидаги буюк режаларниң бунёдкорлик билан амал-
га ошишини, ҳаётимиз гўзаллигини халқчил позицияда
турниб, ҳаққоний тасвирлаши туфайли эришди.


Социалистик реализм методини ўз ижодига дасту-
риламал қилиб олган кун миллиатни, интернационал Со-
цет Социалистик Республикалари Иттифоқининг тас-
вирий санъати ҳам мислсиз одимлар билан юксалиб
бормоқда. Үмумсовет рассомчилигининг олтин фонди-
да абадий сақланиб қоладиган полотнолар кўнглаб
яратилмоқда. А. Пластов, С. Коненков, М. Сарьян,
Н. Грабарь, С. Герасимов, В. Мухина, И. Кончаловс-
кий, П. Корин, А. Дејнека, В. Фаворский, П. Беньков
каби ижодда ҳаёт мактабини ўтаган, атоқли устозлар
таълимими олган ва олаётган умид ниҳолларининг бу
машаққатталаб ва завқли соҳага дадил кириб келиб,
манзур асарлар яратадиганликларн гоят қувонарли-
дир.

— СССР яшаб келаётган ярим аср мобайнида биз-
да ўзининг руҳи ва принципиал мазмунни жиҳатидан
яхлит Совет социалистик маданияти вужудга келди ва
равнақ тонди. Бу маданият ватанимиздаги халқлардан
ҳар бирининг маданияти ва турмушидаги энг қиммат-
ли фазилатлар ва аиъапаларни ўзинга сингдириб олган.
Айни вақтда совет миллий маданиятларининг ҳар би-
ри ўз чашмаларидангина баҳра олиб қолмай, шу билан
бирга бошқа қардош халқларниң маънавий бой-
лигидан ҳам баҳраманд бўлмоқда, ўз навбатида улар-
га ҳам баракали таъсир ўтказиб, уларни бойитмоқ-
да,— деб таъкидлайди КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари Л. И. Брежнев «Совет Социалистик

Республикалари Иттилоқишининг 50 йиллиги тўғрисида» қўлган докладида. Совет ҳокимияти йилларида шаклланган ва камол топган ўзбек совет миллий тасвирий санъати ҳам умумсовет тасвирий санъатининг ажралмас гаркибий қисми сифатида тараққий этиб, унипг бойишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Унинг юқорида таъкидланган мавзуларга багишланган дастгоҳли ҳамда китоб графикасига оид асарлари аҳамиятли, расмиятга кириб қолган ёки конъюктур асарлар эмас, ҳақиқатани воқелигимизга ҳамоҳанг, юксак профессионал маҳорат билан яратилган асарлардир. У ижодида бадиий ҳақиқатни ишонарли, жонли талқин этиб кўлмоқда. Бу эса ижодкор асарлари қимматини янада оширмоқда. Қ. Башаров меҳр қўрини берган дастгоҳли расмларининг яна бир ажойиб фазилати шундаки, уларда инсон, унинг меҳнати ва кураши, орзу-умидлари, эзгу ниятлари нафис ҳамда эҳтирос билан тасвирланади.





ЛЕНИННОМА САРЧАШМАСИ

Ўз ижодпй қиёфасига, образлилк кўламига эришгап рассом Қутлуг Башаров ижодида жаҳон пролетариатининг доҳийиси В. И. Ленинга бағишиланган асарлари салмоқти ўрин тутиб келаётганлиги бонсидаи дастлаб шу хусусда фикр юритишни жоиз топдик.

Бадний образ типиклик ва конкретлиликнинг диалектик бирлиги сифатида майдонга келади, ҳаётни алоҳида бир усулда умумлаштиришнинг, унинг моҳияти ва мазмунини очишнинг натижасидир.

Бадний образнинг яна бир муҳим хусусияти шуки, уни санъаткор истеъодининг ижодий фантазиясиз яратиб бўлмайди. Ижодкорнинг фантазияси ҳаётни билишга, унинг ички моҳият-мантиқини, қонуниятларни пухта ўрганишга асосланади. Реалистик санъатда, жумладан, социалистик реализм санъатида марказий фигура борки, у ҳар тарафлама, яққол очиб берилishi зарур. Негаки, ҳар бир тарихий жараён замирида у ёки бу инсон шахсияти ётади. Инсон шахси эз тарихий процесснинг фаол иштирокчисидир.

Шундай образлар борки, улар барча замонлардаги барча халқларнинг санъаткорлари қаламга олганида ҳам ниҳоясига етмайди. Мазкур образлар талқинига янгидан жазм қилган ҳар бир ижодкор бу образларни ўзидаи аввалти қилқалам соҳибларидан пинҳон бўлиб қолган янги қирраларини топиши, бу образлар талқинига ўзига хос бирор жило киритиши мумкин. Буига сабаб шуки, мангу павқирон образга айлангани ўша инсошинг ҳаёти, фаолиятн, ғоялари ҳамма замонларда яшайдиган ҳамма халқлар учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолади. Ҳар бир янги авлод бу образнинг абадий барҳаёт ғояларидан ўз даври, ўз халқи учун зарур хуносалар чиқариб, илгарп бораверади.

Бадният мулкининг ноёб гавҳари бўлган В. И. Ленини образи ана шундай образларданadir. Ленин ўзи яшаган даврнинг энг буюк революцион ўзгаришларига раҳнамолик қилди. У мислсиз доҳиёна башорат қилиб, инсониятга баҳт ва ҳаққоният йўлини кўрсатиб берди. В. И. Ленини гениял даҳолигидан ташқари, ул-қалиқ қалб соҳиби, пролетариатининг беҳад куч-қувватига, муқаррар ғалабасига ишонган буюк оптимист эди.

Ленин тузган Коммунистик партиясинг ҳаётбахш фаолиятидан илҳомланган ижод аҳли Октябрдан ил-

гариёқ доҳий образини яратишга киришганлиги айниқса эътиборга сазовордир. Жаҳон тасвирий санъатида Ленинномага қўл урган қалдирғочлардан бири рассом А. Магарамдири. Шундан бери қанчадан-қанча тасвир усталари бу шарафли, айни ҷоқда, масъулиятли мавзуда манзур асарлар яратдилар. Биз Н. Альтман, Л. Пастернак, Н. Андреев, И. Бродский, И. Герасимов, В. Серров, Н. Жуков, И. Грабарь, С. Меркуров, А. Манизер, П. Васильев, С. Герасимов, А. Налбандян, Б. Пророков, Д. Бисти каби ўнлаб қилқаламларнинг живопись, ҳайкалтарошлик ва графика жанрида улуғ доҳий В. И. Ленин образини реалистик яратиб, шуҳрат қозонгандиларининг гувоҳимиз. Бу санъаткорларнинг манзур асарлари мамлакатимиздаги ва чет эллардаги тасвир усталарининг янги-янги асарлар яратишларига илҳом берди. Кўпгина рассомлар улар ижодидан таълим олишди.

Ўзбекистоннинг соҳиби мунқаламлари ҳам ҳамишига антинал, ҳамма баҳу маъбутияташ Ленинномага ҳал жон билан қўл урдилар ва бу борада сезиларни ижодиди ютуқларга эришдилар. Ўзбек тасвирий санъатининг намояндадари дастлабки пайтларда доҳийининг жўшқин ҳаётига ва революцион фаолияти ҳақида ҳикоя қўлнувчи баданий исполниториин ўзлари мустақил яратишга ботинмай, атоқли совет рассомларининг шу мавзудаги асарларидан нусхалар кўчирдилар, шу жарабасида мэдр билан самарали ижодий изландилар. Завод ва фабрика, колхоз ва совхоз маъмурияти, жамоат ташкилотларининг буюртмасига биноан тайёр ёсарларда иусха кўчирниб бериш кўпгина тасвир усталари истеъодидининг сайқалланишинда муҳим босқич бўлди. Ўзбек миллӣ рассомчилик санъатининг тўигич вакилларидан Үрол Тапсиқбоев, Искандар Икромов, Баҳром Ҳамдамий, Уста Мўмин (Ю. Николаев) ва бошқалар шу жараённи ўташди.

Ўзбек совет тасвирни санъати тарихида Владимири Ильич Ленини ҳақида мустақил равишда асар яратган рассом Александр Волковдир. У «В. И. Ленин портрети»да доҳий образини устоз санъаткорларнинг асарларидан ижодий ўргангани ҳолда мустақил яратди. Лекин портрет талқини жиҳатидан юксак талаб дарајасида бўлмади.

Серқүёш диёримизда башарият даҳоси В. И. Ленинининг абадул-абад илхомбахш образини яратишга иштиёқ буюқ инқилоб кезларида, айниқса, революциядан кейинги йилларда кучайиб кетди.

Шу ўринда кичик бир воқеани эслатиб ўтиш жонзидир. Хивалик меҳнаткашлар ўз қадрдан шаҳарларида 1924 йили Владимир Ильин Ленин ҳайкалини ўришга қарор қилишади ва бу ҳақда Москвага мактуб йўллашади. Хива меҳнаткашларининг бу эзгу истаклари қондирилади. Атоқли совет ҳайқалтароши Меркуров бу наказни бажаради. В. И. Ленинининг бюст ҳайкали дарё ва кум барҳаинлари оша Хивага келтирилади. Бу ёдгорлик республикамизда меҳнаткашларининг буюқ доҳийси Ленин хотирасига ўриатилган қалдирғоч ҳайкалди. Бу тарихий ёдгорлиқ ҳозирги кунда меҳр билан авайлаб сақлашмоқдада.

Мамлакатимизнинг етук санъаткорларни қатори республиканизмнинг тасвири усталари ҳам ўз асарларида улуг доҳий образини яратинида фидокорлик кўрсатиб келишиди ва кўрсатишмоқда. Таевирий еаниъат муҳлислари ижодкорлардан Александр Волков, Лутфулла Абдуллаев, Алексей Иванов, Владимир Кайдалов, Раҳим Аҳмедов, Несъмат Қўзибоев, Қутлуг Башаров ва бошқаларининг ўзбек тасвирий санъатида яратиленган Лениннома асарлари билан фахрланип ташиншмоқдалар.

Улуг Ватан урушидан кейингий йилларда, айниқса, бу борада Ўзбекистон халқ рассомларидан Лутфулла Абдуллаев ва Владимир Кайдаловлар катта ижодий изланишлар қилди. Уларининг шу отижаноб мавзуга бағишлиланган график расмлари рассомларининг республика кўргазмаларида кенг намойиш этилди.

Неча йилдирки, Л. Абдуллаев «Ленин ва Ўзбекистон» туркумида график расмлар ишлаб келмоқда. «В. И. Ленин Мирзачўл харитаси ёнида», «В. И. Ленинга совга», «В. И. Лениннинг Ўрта Осиё хотин-қизарни билан учрашуви», «Оқ йўл, профессор», «В. И. Ленин портрети» расмлари шу туркумга кирган.

Л. Абдуллаев мавзунинг масъулиятлилигидан, ўзига нисбатан талабчанлигидан эскиз устида узоқ вақт ишлади. Рассом биргина «В. И. Ленин Мирзачўл харитаси ёнида» асари учун ўндан зиёд эскиз чизди. Деярли яхшигина плакатга айланган мазкур график расм-

да муаллиф улуғ доҳийнинг ўзига хос хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари, камтаринлиги, одамийлиги, мавзуи ҳал этишда қайси ҳолат характерли эканлигига аҳамият берган. Ниҳоят, доҳийн ҳарита олдида туриб, умрида сув кўрмаган чанқоқ Мирзачўлини ўзлашириш, меҳнаткашларнинг фаровон турмуш кечириши борасида фикр юритаётган пайтни акс эттирган. Бироқ мазкур асарнинг мавзуси оригинал эмас, у таниқли санъаткор М. Божийнинг живописда яратган «В. И. Ленин СССР ҳаритаси олдида» полотносига ўхшашдир.

Санъаткор «В. И. Ленин ва Ўзбекистон» туркумини янги-янги мавзудаги график расмлари билан бойнитиб келмоқда. Бу ғоят қувонарлидир. Бироқ мазкур туркумга кирган график расмлар бадиий талқини жиҳатидан ўқори савияга кўтарилиб, улар Иттифоқ миқёсida ҳам намойиш қилинса, эътироф этилса айни муддао бўлур эди.

Республикамизнинг етук график рассомларидан Владимир Кайдалов ҳам улуғ доҳийнинг серқирра ҳасти ва фаолиятини акс эттирувчи туркум расмлар яратни борасида ҳамон изламоқда. Биз унинг «Онда», «В. И. Ленин Шушепек қишилоги болалари даврасида», «В. И. Ленин ва М. В. Фрунзе», «В. И. Ленин ва Тўраҳон Иброҳимов», «Шахмат ўйинштас», «Отчиғит келмайди» каби график расмлари билан танишмиз. Юқорида зикр этилган расмлар Иттифоқ миқёснданғи график асарлар савияси даражасига кўтарилемаганини учун республика кўргазмаларидағина намойиш қилингапти, холос.

Ўзбекистон рассомлари пролетариатининг буюк досхийиси В. И. Ленин таваллудининг бир асрлик шодиёнасиға катта ҳозирлик кўришиди ва ўз армуғонларини «Ленин биз билан» юбилей кўргазмасида намойиш этишди. Санъаткорлар мазкур воқеабанд кўргазмада бизда доҳий Ленин ғояларининг кенг кўламда амалга оширилаётганлигини, бунёдкор халқимизнинг барча соҳаларда мўъжизали зафарларга эришаётганликларини тасвир тили билан ҳикоя қилдилар.

Тасвирий санъат муҳлислари графика усталаридан Л. Абдуллаев, В. Кайдаловларнинг доҳий ҳаётига бағишлиланган расмлари қатори Қ. Башаровнинг «Ленин биз билан» триптихини ҳам мамнуният билан кутиб олишиди.

Йўл топдингу туи багрини парчалаб ўтдинг,
Сен худди қизил шур каби тоигларни ёритдинг.
Сув учради, тош учради, тог учради йўлда,
Сен барчасини синдиридингу ўтмакка йўл этдинг.

Гарчи узогу хавфу хатарли бўлса ҳам у йўл,
Сен орез-умид мазилинга журъят ила этдинг.
Фарқ эди башар кемаси дарёни балога.
Қудратли қўйлинг бирла уши соҳиulgacha элтдинг.
Зулмат у замон тўсмоқчи бўғлиб қолди юзингини,
Чақмоқ чақароқ қора булут пардасини йиртдинг...

... Ленини, сўзимиз шулки, бу тап жоини ўзингсан,
Мангу бу ҳаёт ҳамроҳи, қадрдони ўзингсан.
Меҳрингки, қўёш шуъласидан иссиғдир зўр
Олами мунаввар этажак мангу зиё-пур.

Ҳа, улуг йўлбошли Лениннинг қўёш шуъласидан
ҳам тафтли, мангу зиёси олами мунаввар этиб кел-
моқда. Ҳа, унинг мангу зиёси меҳнатк ўз халқларни
яшги марралар сарп руҳлантириб, ижодко, тарни бар-
камол эпик пологиолар яратишга илҳомлантиримоқда.

Қутлуғ Башаровнинг «Ленин биз билан» триптих
линогравюраснга нигоҳимиз тушар экан, дарҳол хаё-
лимизда Мақсад Шайхзоданинг улуг доҳий зиёсини
мадҳ этган юқоридаги қўйма сатрлари тақрорланади.
«Ленин биз билан» триптихининг марказий қисми
«Ҳокимият Советларга!», чап томондагиси «Завод иш-
чиликларга!» ва ўнгдагиси эса «Ер деҳқонларга!» деб ном-
ланади. Триптихнинг асосий қисми «Ҳокимият Совет-
ларга!» мазмунан ҳамда композицион жиҳатдан муз-
каммал чиққан. Образлар рамзий тарзда жонли ифо-
даланган. Асрий орзузи амалга ошган, курашларда
тобланган революцион омманинг доҳий билан моно-
лит бирлиги мавзуси ишончли, жонли, ҳаяжонли тал-
қин этилган. Мазкур линогравюранинг образли плас-
тик тили, В. И. Лениннинг теварагига жисплашган
ишли ва деҳқонларнинг умумлашган гавда формаси,
манзара ҳамда байроқнинг монументал символик тал-
қини — ҳамма-ҳаммаси Қутлуғ Башаров танлаган
мавзунинг кўтариники қаҳрамонлик руҳини очиб берди.

Рассом В. И. Ленин сиймосини ҳаққоний тасвир-
лаш учун улкан ижодий меҳнат қилди. Самарали из-

ланди. Надежда Крупская айтганнек, Ленини сиғатида тўғри англаб олиш — социализм қурилиши нима эканлигини чуқурроқ, яхшироқ англаб олишдан, социалистик тузум кишисининг қиёфасини чуқур ҳис этишдан иборат бўлиб, Лениннинг бадий образи сиёсий жиҳатдан ҳам, маънавий ва эстетик жиҳатдан ҳам коммунистик идеалиниг мужассам тимсоли бўлмоғи лозим эди.

Рассом учун доҳий Ленин образини яратиш яна шунинг учун ҳам мураккаб сиғати, Владимир Ильич гениал шахс сиғатида ақл ҳайрон қоладиган дараҷада кўп қирралидир. В. И. Ленин сиймосида илк қарашда биринги бирига уйгуилашуви мумкин эмасдай туоладиган жиҳатлар: юксак фантастика; рўй берадётгани воқеаларга буюк ҳушёрлик билан баҳо берини, фавқулодда мулойимлик, хушиғеълилик ҳамда тўсиқларни парчалаб ташлашга қодир иўлат ирода, салобат каеб-этган-эдит Мехнатканинг ҳен ким. Владимир Ильич сингари чексиз меҳр-муҳаббат билан сева олмаганинг, доҳининг бу меҳр-муҳаббати революцион душманларига чексиз нафрати билан бириниб кетган эди. Қ.-Башаров ижодила улуг доҳининг ана шубуюқ хислатлари тўла ифодасини төна олди.

Владимир Ильининг (марказий қисмда) ўти то монидаги ҳади беш отарини ташлашга ултурмаган ўзбек деҳқонининг магрур боқиши, озодликка қанча машаққатлар, қурбонлар эвазига эринилтганлигини қалбан ҳис этаётган рус революционерларининг магрур туриши, буюк инқилоб галабасини сақлаб қолишга бутун вужуди билан шай меҳнаткаш омманинг ҳаяжонли нигоҳи, революциянинг тўнғич куиларидан кўтаринки, айни чоқда ҳаяжонли кайфиятини, халқ даҳосининг қудратини тасвирлайди санъаткор.

Линогравюранинг «Ҳокимият Советларга!» қисмидаги муаллифнинг асосий мақсади тўлақоили кўрсатилган. Улуг доҳининг символик тарзда ифодаланган қиёфаси баҳтли келажак учун жон фидо қилаётган революционерлар отрядини бошқармоқда.

Триптихда умумий фоннинг қизил рангда, персонажларнинг қора рангда берилиши ёш Советлар республикаси ишчи, деҳқон ва знёлиларнинг Октябрь ғалабаси келтирган ҳурриятни сақлаб қолиши, қўлни қўлга бериб, коллектив тарзда, интернационалист бў-

либ улугвор ишитларини рўёбга чиқаришга шижоат билан отланганликлари рамзий ифодаланган.

Шунингдек, «Завод ишчиларга!» қисмида фабрика ва заводлариниг мўрқонларидан чиқаётган қуюқ тутун революция байрогига ўтиб, ишчилариниг инерцияни ҳаракатларини яна ҳам бўрттириб кўрсатишга хизмат қилган, умумий бирликин ташкил этган. Унда болға кўтарган ўзбек, чўкич тутган рус ишчилари биринчи планда кўрсатилади. Шундан кейин курашларда тобланган, ҳар ишга қодир ишчилар саф тортиб борини мөқда.

«Ленин биз билан»нинг сўнгги «Ер дехқонларга!» қисми ҳам томошабинга инқиlobнинг тўйғич йилларинда ериниг ҳақиқий эгаси бўлган ўзбек дехқонлариниг мардонавор қураши ҳақида ҳикоя қиласди. Ундаги ол байроқ фони, бўрсилдоқ ерда кўрсатилган биринчи трактор, қалблари ифтихорга тўлган дехқонлар оқими, айниқса, ҳаяжонли, график талқини жиҳатидан аниқ ифодаланган. Умуман, триптихда ҳеч бир ортиқча чизиқни сезмаймиз.

Яна шуниси характерлики, триптихнинг ҳар бир қисми фақат биттадангина аёл кўрсатилган. Лекин улар умумий композицияга шу қадар уйгун тушганки, биз улар тимсошида улуғ мақсадларда ҳамфир, ҳамдард бўлган, қалби ва жасорати билан мислениз ҳисса қўшиган миллионлаб оналарин, меҳнат жабҳаларида бўрга одим ташлаётган қиз-жувионларин ҳис этамиз. Ленин гояларининг амалга ошишида улар ҳам ҳамиша эрлар билан баробар жавлон ураётганликларини кўриб турамиз. Триптихнинг марказий ҳамда «Завод ишчиларга!» қисмларида прородали, буйёдкорлик шукухъи билан эркин пафас олаётган рус ишчи аёллариниг вакиларини кўрсак, «Ер дехқонларга!» қисмида яшги завод келтиргани маънавий бойликдан баҳра олган, ҳеч бир парсадан чўчимай, оддий халққа билим берини шиъти билан ёнган Майна Ҳасанова каби оқизаларни тасаввур қиласмиз.

В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан Марказий кўргазмалар залида Иттифоқ рассомлариниг армугон асарларидан иборат юбилей кўргазмаси ташкил этилди. Ана шу кўргазмада Қутдуғ Башаровнинг ҳам «Ленин биз билан» триптихи жаъматчилик ҳамда мутахассислариниг эътиборини торт-

26/29.6


либ улугвор инятларин рўёбга чиқаришга шикоат билдирилган.

Шунингдек, «Завод ишчиларга!» қисмида фабрика ва заводларнинг мўрконларидан чиқаётгани қуюқ тутуи революция байрогига ўтиб, ишчиларниң инерцияли ҳаракатларини яна ҳам бўрттириб кўрсатишга хизмат килди, умумий бирлакти ташкил этган. Унда болға кўтарган ўзбек, чўкич тутган рус ишчилари биринчи иланда кўрсатилади. Шундан кейин курашларда тобланган, ҳар ишга қодир ишчилар саф тортиб боришмоқда.

«Ленин биз билан»нинг сўнгги «Ер дехқонларга!» қисми ҳам томошабинига ишқилобнинг тўнгич йилларидаги ериниг ҳақиқий эгаси бўлган ўзбек дехқонларининг мардонавор кураши ҳақида ҳикоя қиласди. Ундаги ол байроқ фони, бўрсилдоқ ерда кўрсатилган биринчи трактор, қалблари ифтихорга тўлган дехқонлар оқими, айниқса, ҳаяжонли, график талқини жиҳатидан аниқ ифодаланган. Умумай, триптихда ҳеч бир ортиқча чизикини сезмаймиз.

Яна шуниси характерлики, триптихининг ҳар бир қисмида фақат биттадангина аёл кўрсатилган. Лекин улар умумий композицияга шу қадар уйгун тушганки, биз улар тимсолидаги улуғ мақсадларда ҳамфикр, ҳамдард бўлгац, қалби ва жасорати билан мисленз ҳисса қўшган миллионлаб оналарни, меҳнат жабҳаларида бирга одим ташлаётгани қиз-жувионларни ҳис этамиш. Ленин гояларининг амалга ошишинда улар ҳам ҳамиша эрлар билан баробар жавлон ураётганликларини кўриб турамиз. Триптихиниг марказий ҳамда «Завод ишчиларга!» қисмларида иродали, буниёдкорлик шукуҳи билан эркни нафас олаётгани рус ишчи аёлларининг вакилларини кўрсак, «Ер дехқонларга!» қисмида яиги завод келтирган маънавий бойлиқдан баҳра олган, ҳеч бир нарсадан чўчимай, оддий халққа билим берини ияни билан ёнгани Майша Ҳасанова каби оқилаларни тасаввур қиласмиш.

В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги мунисабати билан Марказий кўргазмалар залидаги Иттифоқ рассомларининг армуғон асарларида иборат юбилей кўргазмаси ташкил этилди. Ана шу кўргазмада Қутлуг Башаровнинг ҳамда «Ленин биз билан» триптихи жамоатчилик ҳамда мутахассисларнинг эътиборини торт-



«Ҳокимнят советларга!», «Ленин биз билан» триптихидан,

ди, совет графика санъати асарлари қаторидан ўрин олди. «Агар биз кўргазманинг графика бўлимига эътиборни қаратсақ, қатор ҳолларда умумлашган мураккаб динамик образларни яққол сезамиз. Булар Кукреникси, Б. Пророков, Д. Бистининг сериялари, Қ. Башаров, Л. Кеерендларнинг триптихларидир»,— деб қайд этилади «Правда» газетасининг 1970 йил, 26 апрель сонидаги юбилей кўргазмаси тўғрисида берилган мақолада.

Ёки «Искусство» журналининг 1970 йил, август сонида «Ленин биз билан» триптихига берилган баҳони келтирийлик. «Ленин образи яна бир ўзбек устаси Қ. Башаровнинг эпик-хроникал «Ленин биз билан» (1970) триптих линогравюрасининг марказий қисмida яратилган. Бу асар ранг темпераменти билан алоҳида ажралиб туради. Қенг омманинг жўшқин ҳаракати қизил ва қора рангда уйғун келган. Башаров мазкур мавзуда монументал оҳангни сўёсиз муваффақиятли берган».

Ижоднй камолот босқичига кўтарилиган Қутлуг Башаровнинг «Ленин биз билан» триптихига берилган бу юксак баҳодаги самимий фикрлар уни янги ижодий мэрсалар сари отлантириди. У янги туркум асарларига дадил қўл урди.

Рассом мазкур триптихида Ленин зиёсидаи серқуёш ўзбек элининг меҳнаткашлари ҳам нур эмганликларини, Владимир Ильич илгари сургаи гояларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида доимо ҳаммаслак, бир тану бир жон эканликларини кўрсатиш орзусида эди. Самирали изланиш, тинимсиз меҳнат туфайли у ўз ниятига тўла эришди. Бу асар Узбекистон ҳукуматининг кичик асарларга эълон қилган конкурснда биринчи мукофотни олишга муваффақ бўлди.

«Туркистонлик делегатлар В. И. Ленин қабулида» иоми билан бир қатор рассомлар живопись картиналар яратишли. Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиали очилиши муносабати билан Қ. Башаровга шу мавзуда график расм яратиш тонширилди. Рассом асарни ишлашда тайёр композициялардан фойдаланмай, унга мустақил ёндашди, оригинал композиция излади.


«Туркистонлик делегатлар В. И. Ленин қабулида» гравюраси композицион тузилиши ҳамда персонажлар



«Ёр дехқонларга!». Ленин билан» триптихидан

талқини жиҳатидан оригинал. Унда улуг доҳийнинг ўзбек нуронийсининг сўзларини берилиб тинглаётганини, делегатларнинг истакларини қондириши табиийлиги жонли тасвирланган. Вакиллар Владимир Ильични ҳаяжон ва муҳаббат билан кузатиб турибдилар, ҳар бир сўзининг дуру гавҳар эканлигини қалбан ҳис этмоқдалар.

Рассом «Ленин биз билан» триптихида Владимир Ильичнинг символик образини ҳаётий яратган бўлса, «Туркистонлик делегатлар В. И. Ленин қабулида» асарида доҳийни ўта камтарлиги, ҳар бир оддий меҳнаткаш билан тил топишиб кетиши, меҳрибонлигини кўрсатишга муваффақ бўлган.



СОЛНОМАМИЗ ВАРАҚЛАРИДАН

Ўзбек ҳунармандлари ва дәхқонларининг чоризм истибодига қарши, маҳаллий бой ҳамда амалдорларнинг оғир зулмига қарши олиб борган кураши санъат асарларида ҳам муносиб ўрнини топиб келди ва топиб келмоқда. Ерли фуқароларнинг (1905 йилги) ҳудудсиз зулмга қарши, Туркистон генерал-губернаторинаг исканжасига қарши олиб борилган қонли тўқнашувлар ҳам қатор бадий асарларга мавзу бўлди. Ана шу тарихий мавзу Қ. Башаровнинг ҳам эътиборидан чегда қолмади. «Ўзбек дәхқонларининг миршаблар билан олишуви» линогравюраси Фикримизнинг шоҳидидир. Асада солиқларнинг ҳаддан зиёд кўплигидан, эксплуатациянинг оғирлигидан тоқати тоқ бўлган дәхқонларнинг зўравонлар зулмига қарши кураши жонли тасвирланган.

Маҳаллий амалдор қамчисидан қон томаётган, қилич яланғочлаб турғай миршаблар қанотида оломонни тинчтишга уринмоқда. Шиддат-ла ердан тош олаётган дәхқон, газаб ва нафрат тўла кўзлари билан мушт ўқталётган бечораҳол, қўлларида ёғоч, таёқ, кетмон тутган оломон синфий душман томон қаҳрли бостириб келмоқда. Уларни ҳеч қандай дўқ-пўписа тўхтата олмайди. Ҳадемай шиддатли тўқнашув бошлиниади.

«Ўзбек дәхқонларининг миршаблар билан олишуви» асари композицион жиҳатдан мураккаб қурилган. Икки синф вакиллари ўртасидаги азалий кураш, зулмкорлардаги саросималиқ, дәхқонларнинг газабли боқишилари, тўқнашув они ҳаётий, тўлақонли чиққап. Умуман, расм график талқини жиҳатидан ҳам мукаммалdir. Кўи персонаж қатнашгани воқеа сиқиқ тарзда ифодалаиган, ортиқчалик сезилмайди. Мазкур линогравюра 1916—1918 йилларда ҳозирги Ўзбекистон териториясида бўлиб ўтган дәхқонлар қўзголонини умумлаштириб кўрсатади.

Санъаткорининг «Йигирманчи йиллар комсомоллари» триптих линогравюраси худди «Ўзбек дәхқонларининг миршаблар билан олишуви» асарининг узвий дәвомидек бўлиб чиққап. Триптихда ҳақ ва поҳақликин англаб етган жасур ўғлонларнинг эл бошига не-не кулфатларни соглан босмачиларга қарши мардонавор кураши, янги социалистик жамият пойдеворини мустаҳкамлаш, билим олишга ташналиқ ҳикоя қилинган.

«Иигирманчи йилларнинг комсомоллари» триптихининг марказий қисми «Комсомол ўқишида» деб номланади. Унда буюк инқилоб келтирган ҳурриятдан бенихоя шодликка тўлган, эркин ҳаёт нашидасини ҳаяжонланиб totaётган йигит ва қизларнинг билим ўчори сарри мағрур одими, борлиққа, янгиликка ишонч билан қарашлари кўрсатилгандир.

Лой шувоқли паст-баланд уйлар, масжиддан берироқда икки ғаламис ўспириналарга қаҳр ва ғазаб билан боқиб турибди. Олдинги планда эса Қизил Армия сафида хизмат қилиб, инқилоб душманларига қирон келтираётган ёш жангчи, чор девор, чимматдан қутулганлигининг шукронасини қилаётган қиз, икки ғаламисга ажабланиб боқаётган бола, келажагининг порлоқлигига комил ишонч билан назар ташлаётган наубатдаги ўспирин асар композициясига жуда уйғун келган. Бутун эътибор ҳарбий формадаги мағрур йигитга ҳараратилгани. Ейригини планда тасвирланганни бу йиғи бизга тўйнғич ўзбек комсомоллари Абнитла Набиевни кейинги пландаги киз эса, Майна Ҳасанова каби жасурларни эслатади.

Триптихнинг «Комсомол жангда» деб номланган бошланиши қисми ҳам пластик талқини, график йўнилини жиҳатидан ёрқин чиққан. Бунда қашалаб қишлоқларни харобазорга айлантирган, кўплаб оддий меҳнаткашларнинг ёстиғини қуритган қўрбошининг сўнгги дақиқалари тасвирланган. Эрк учун, ҳақ учун курашашётган жасур ўғлон — комсомол-жангчи шамширини босмачининг боши узра ўйноқлатяпти. Расмда ана шу манзара бўрттириб берилган. Отлиқ қизил аскарларнинг босмачиларга қирон келтираётганилиги лавҳалари эса, иккинчи планга олишган. «Комсомол жангда» қисмда рассом фақат биргина уйшини ёнаётганлигини тасвирлаган. Аланга олган уйдан кўтарилаётган тутуннинг бошқа қишлоқлардаги уйларнинг тепасига ҳам бориб етишини ифодалаш орқали ўша кезларда вазият кескинилиги рамзий маъпода кўрсатилган.

«Комсомол меҳнатда» қисми ҳам ҳаётни ва жопли талқин қилинган.

... Қуёш борлиққа кулиб боқмоқда. Ҳамма жойда яратувчилик меҳнат симфонияси янграмоқда. Муаллиф мазкур композицияда эрк, озодлик учун барча ку-

рашларда ҳамфирк, ҳаммаслак бўлган, жангчи либосини кийган, елкасида кетмон кўтарган ўзбек қизини биринчи планга олиб чиқсан. У эркин меҳнат, тинч қурилиш сари мағур одим ташлаб бормоқда. Биз уйга боқиб тош келса кемирган, сув келса симирган, барча қийинчиликларга мардонавор бардош берган ўзбек комсомолларининг умумлашган образини кўрамиз. Бошқа персонажлар, улугвор режаларни амалга ошираётган комсомоллар образининг тўла-тўқис очилишига ёрдам берган. Асар ҳароратли, тўлақонли чиқсан. Оловли, суронли йигирманчи йилларнинг ҳарорати, жўшқин нафаси сезилиб туради.

Триптихдаги барча персонажларнинг кийим-бошлари, юриш-туриш ҳолатлари, нурли истиқболга умид, ишонч билан боқишлари ва манзаралар, ёрдамчи компонентлар йигирманчи йилларнинг ҳужжатли тарихий ленталарини яққол эслатади. Асар муаллифининг синковлигини, ҳар бир детал устида эринмай иш олиб боришини, профессионал маҳоратининг юқорилигини намойиш этади.

Ишчилар мамлакатда меҳнаткашларнинг 55 процентидан ортиғини ташкил этади. Ишчилар синфи жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ишчилар синфининг революционлиги, интизомлилиги, уюшқоқлиги ва колективлилиги унинг социалистик ижтимоий муносабатлар системасида етакчилик мавқенини белгилаб берди.

Ҳа, юксак идеалимиз бўлмиш коммунизм қуришда фидойилик кўрсататётган ишчилар синфининг етакчилик роли унинг умумий маданияти, билими, сиёсий фаолиятининг ўсиб боришпга қараб мустаҳкамланади. Техника революцияси авж олган ҳозирги вақтда бизда ўз касбини мукаммал әгаллаб, ўрта маълумотли бўлгани ҳолда ўқишини давом эттираётган, фан ва маданиятнинг илгор ютуқларини ўзлаштраётган ишчилар тобора кўпаймоқда.

Ишчилар синфининг аваигардлик роли, ишчиларнинг меҳнат ва ҳаётдаги жасоратлари тасвир усталарини ҳам илҳомлантириб келмоқда. Тасвирий санъат усталаридан Ўрол Тансиқбоевнинг индустрлашган манзараларини, Лутфулла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Маннон Сайдов, Қутлуг Ба-



«Ўзбек деҳқонларининг муршаблар билан олишуви, 1905 й.».



«Комсомол мөхнатда», «Пигирмандың йиллар комсомоллари»
триптихидан.



«Биринчи ёрдам». «Ҳаёт пособилари» тринитиҳидай.





«*Любовь и ненависть*»

«*Король и королева*»



«Йигирманчи йиллар комсомоллари!» (триптих). Линогравюра.
1968 йил.



«Яшайди», «Ҳаёт поебонлари» труппасидан.

шаров ва бошқаларининг ишчилар образини яратган турли жанрдаги асарларини мухлислар ҳамширият билан кутиб олишиди.

Қутлуғ Башаров Узбекистоннинг түнгич социалистик кимёгарлар шаҳри Чирчиқдаги электрохимия комбинати ишчилари билан учрашар экан, унда портрет ёки бирор сюжетда линогравюра яратиш нийати туғиған эди. «Чирчиқ — катта кимё шаҳри» триптихи апа шундай пайдо бўлди. Рассом ўндан зиёд эскиз чизди. Бевосита меҳнат жараёнининг ўзидан олинган лавҳалар иштитининг амалга ошишида муҳим омил бўлди.

Триптихнинг марказий қисмида Ўрта Осиёда кимё гигантни ҳисобланган Чирчиқ электрохимия комбинати асосий қисмининг умумий кўриниши, шу кўриниши фонида унинг шуҳратини оламга ёяётган турли миллат инженер-техниклари тасвириланган. Унда ижодкор комбинатининг ишга тушинишдан то шу кунга қадар фидо-корона меҳнат қилиб кетаётган тўрт ишгор ишчишни курсатган. Кимё комбинатининг катта маҳсулот тайёрлай олиши, қаҳрамонларининг ҳар бирни масъулнинг участкаларини моҳирона бошқараётганилиги, уларнинг ҳар бирни меҳнат жабҳасида бир олам экаилиги ҳаётй ифодасини топган. Биз умумий маизара ва қаҳрамонлар тимсозидо бутуни комбинатни тасвирбуру қўйта оғамиз.

Учликнинг чап томонида мазкур тигантини ишга тушиниша ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшган электр пайвандчи Мустафоқул Остапақуловининг сиймоси берилган. Орқа фондаги маизарада эса унинг бунёдкорлик меҳнатидан лавҳалар кўрсатилган. Бунида ҳалол меҳнати билан қанча-қанча металларни пайвандлаган ишчининг меҳнати самарасидан маминулиги, эртаиги кунга ёрқин ишончи, ҳалқ баҳт-саодати йўлида машаққат ческаётганилигининг завқи тўла ифодасини топган.

Ўнг томонда эса моҳир кимёгар ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нажиб Валиуллиниң образи яратилган. Машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган, мўъжиза яратилишини ташвишлари ва завқини тотиган бунёдкор сиймосини кўриб шодланамиз. Айни вақтда Валиуллин ижодий меҳнат қилаётган улкан корхона-нинг бир бўлаги иккинчи планда кўрсатилган.

«Чирчиқ — катта кимё шаҳри» триптихида ишчилар тасвири тарқоқ ҳолда берилган. Лекин бу тарқоқлик асосий мазмунинг очилишига ҳеч бир соя ташламаган. Ҳар бирин ўз ўйи, ўз бунёдкорлик ташвиши билан банд бўлган бу пичилар жамулжамликда яхлит композицияни ташкил этишган. Триптих композициони жиҳатдан ҳам пухта қурилгац, график ёрқинлиги томонидан ҳам мақсадга мувофиқ. Ўмумий манзара кимёгарлар меҳнатининг ритмик жараёнини, ҳаёт ва яратувчи меҳнат қайнаётганингини кўрсатишга яқиндан ёрдам берган.



Уфқларни ўиган пахтазор, зангори кема бүнкерларидан юз тонналаб «оқ олтин» тўкаётган шер билакли суворийлар, пахта миришкорлари меҳнати рассомларимизнинг ҳам диққат марказицадир.

Республикамизда ташкил этилган қайси бир кўргазмага ташриф буюрманг, сиз унда қўзланган юксак марра сари дадил интилиб, сидқидилдан жасорат кўрсатаётган азамат пахтакорларнинг меҳнати, шижаоти, ўйи ҳақида ҳикоя қўлувчи турли жанрдаги асарларни томоша қилиб шодланасиз. Томошабинлар Ў. Тансиқбоевнинг «Сирдарёда», А. Абдулаевнинг «Уч баҳодир», А. Аҳмедовнинг «Оқшом қўнмоқда», «Қўшиқ», М. Сайдовнинг «Асия», М. Набиевнинг «Ер эгалари», З. Иногомовнинг «Тунги сугориш», А. Ковининнинг «Ер етилибди» каби ўнлаб полотно, картина ва портрет асарларини маминуният билан кутиб олганлар.

«Оқ олтин» мавзууда асарлар яратиш борасида ҳозиржавоб графика санъати усталари ҳам қувонарли фаолият кўрсатиб келишмоқда. Улар ижодий меҳнатининг меваси вақтли матбуот саҳифаларидан, кўргазмалардан муносиб ўринини тоғмоқда. Шулардан бири Қутлуг Башаровнинг «Пахтакорлар» ва «Пахта» туркумлари даги линогравюралари дидир.

Янги, қутлуг, тароватли кунининг шафаги заррип ёгдуларини қийгос ханда очган пахтазор узра сахийлик билан сочмоқда. Уч қиз, уч дугона сара бодроқдай очилиб ётган чапокларга меҳр билан, севинч билан, ғурур билан, ифтихор билан боқиб туришибди. Шодоп дугоналар чеҳрасига борлиқ ҳам суқланиб боқаётгандай. Рассомнинг «Пахтакорлар» туркумининг «Теримчилар» номи билан аталмиш биринчи саҳифасида уч дугонанинг шодлиги нақадар ҳаётий, нақадар жозибали тасвиirlанган. Пахтачиликнинг инжиқликлариiga сабот билан бардош бериб, шу қутлуг кунни орзиқиб кутган теримчиларнинг севинчига шерик бўлгингиз, ёнига тушиб сиз ҳам этак тутгингиз келади. Ҳа, лўппилўни очилган чапоклар ҳали замон эпчил бармоқлардан этакларга тушиб, хирмон сари йўл олади.

Қутлуг Башаров «Пахтакорлар» туркуми билан нозик дид рассом Эканлигини намойиш этди, эл оғзига тушди. Ижодкорининг «Теримчилар»ида уч теримчи уч дугона ниҳоят ҳаяжонли, лирик тасвиirlанган. Уч дугонанинг ўзига хос характеристи, қувончлари тўлали-

тича, оригинал ҳал этилган. Биз ҳажман унча катта бўлмаган шу расмда уч хил характердаги аёлни, улар-пинг кайфиятини жонли талқин этилганилигини кўрамиз. Бундай оригинал манзара бошика рассомлар ижодида учрамайди. Пахтакорликиниг машақкати, қувоинчи ҳис қилинади. Ҳаётийлик бор унда.

... Оқшом. Ҳамма ёқ сокин. Кундузги меҳнат жараёнида бир-бирларига боқиб түёлмаган йигит ва қиз висол онларининг ҳаяжони билан банд. Осмон тўла юлдуз, янги ойининг ўроғи ҳам худди уларга суқлашиб термилаётгандек. Йигит қанчалар орзиқиб кутган. Ўз даласида биринчи очилган чаноқни маҳбубасининг чаккасига ҳаяжон ила тутмоқда. Қиз эса ички тугёнини босиб, ибо билан, ўзбек аёлларига хос назокат билан тақимини ўпгудек сочини ўйиаб ҳаяжонли, лирик кайфиятда турибди.

Рассом «Биринчи чаноқ»да оригинал мавзу ташланган, ёшлар ўртасидаги чин севгиш шонрони талқини чеккана шинади. Шунингдек, расминиң қаҳрамонларининг ифодалаги ҳолати бир-бирига уйғун келмаган, анча сино чиқиб қолган. Шунингдек, расминиң гўза тасвири ҳам умумий композицияга сингишмаган. Маҳбуб чаккасига тақиляётган чаноқиниг ўзи етарди. Асар сентиментал рухла яратилган.

Санъаткорининг «Оналик», «Ҳосил байрами» липогравюралари ҳар жиҳатдан юксак маҳорат билан шолланган. Асар мазмуни чуқур лирика билан сугорилган. Композициони талқини жиҳатидан ҳам, расм тасвири жиҳатидан ҳам, яхлит силуэти билан ҳам талаб даражасида ҳал этилган. Уларда ҳеч бир ортиқчалик ҳис этилмайди.

«Оналик» қисмига қайта бир нигоҳ ташланг. Дала қўйнида тер тўкиб келган она эркатойига меҳр-ла кўқрак тутяпти. Бунёдкор, меҳрибон жувон нуридийдаснинг ширин орзуларга тўла нигоҳ билан термилмоқда. Расмдан ўрин олган ғуж анор тупи, бўшлиқ, майдон, хуллас, барча компонентлар мазмунни кенгроқ очиб беришга ёрдам берган. Оналик фазилати, баҳти жонли, ҳаётий талқинини топган.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишни истардик. Умуман Ўзбекистондаги, шунингдек, қардош республикалардаги тасвир усталари она мавзунига — ҳамиша башарий мавзуга қўл уриб, оналик меҳрини

мадҳ әтдилар ва этиб келишмоқда. Лекин шу мавзулардаги расмларга жиддийроқ разм солсангиз, уларнинг кўлчилиги бир-бирининг айнан ўхшамаган такрорига яқин бўлиб қолади. Бу билан биз Қутлуғ Башаров «Оналик»да бирор қардош санъатдошииинг асаридан пусха олган демоқчи эмасмиз. Бизнингча, у мазкур композицияни ҳал этишда сийقا усулдан воз кесиб, оригиналликка интилгаида яхши бўларди. Биз «Оналик»да рассом профессионал талқин жиҳатидан маҳорат кўрсатмаган демоқчимасмиз. Шунчаки мавзуни ҳал этишда оригиналликка интилишининг тарафдоримиз, холос. Тоғ бўйи баланд хирмон фонида («Хосил байрами») шодликнинг таранум этилиши шу мавзуга оид расмлардан оригинал талқини билан ажралиб туради. Ҳосил тўйи, барака тўйининг шодиёнаси тўла намоён бўлган бу расмда.

Ижодкорнинг «Пахтакорлар» туркумига кирган ли ногравюралари Ўзбекистон Рассомлар союзи томонидан 1968 йили энг яхши воқеабанд асарлар учун эълон қилинган ёпиқ конкурсада мукофотга сазовор бўлди. Шундан сўнг бу туркум расмлар республика ҳамда Бутуниттифоқ рассомларининг кўргазмаларидан муносиб ўрин олиб, муаллифига шуҳрат келтирди.

Қутлуғ Башаров республикамиз бўйлаб қилган пжодий сафарлари давомида пахта ҳақида яна туркум расмлар яратиш нияти туғилди ва тўпланган эскизлари асосида тўрт қисмдан иборат «Пахта» ли ногравюраларини ишлади. Упинг дебоча қисми «Деҳқон» номи билан аталади.

... Баҳор ўз сепиини айни ёйган кезлар. Чигит бир текис униб чиққан. Рўзгоримизни баракали, ҳаётимизни яна ҳам фаровои қилиши ҳимматида кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб, халқининг ризқи рўзи ҳақида қайфураётган бободеҳқон бир туп ғўза олдида унга қанчалар меҳр билан боқмоқда. Пахта илмини сув қилиб ичиб юборгай бу билимдан деҳқон тимсолида биз барча ўзбек деҳқонларининг муштарак сиймосини кўрамиз. Шу бир туп ғўзада ўзбекнинг миллион тонналаб «оқ олтин»ининг хирмонларини тасаввур этамиз. Ҳаёт тажрибаларини сидқидилдан баҳам кўраётган барча отахон пахтакорларининг умумлашган қиёфаси мужассам бўлган шу биргина расм-

да. Асар композицияси ҳам, ундаги барча деталлар, график йўнилиши ҳам меъёрини топган.

«Пахта» туркумидаги яна бир асар «Сувчи»дир. Рассом бунда гўзаларга оби ҳаёт тарататётган сувчини живоиси усталаридек бутуи икир-чикирлари билан олмаган бўлса-да, биз унда сувчининг ўзига хос ганитли меҳнати жараёнинг ифодасини кўрамиз.

Юлдузларга тўла осмои. Шоҳ ариқдан эгатлар томон таралатётган оби ҳаёт тўлин ой ёруғида нақадар латиф манзара (оқ-қора рангда) кашф этган. Биз унда, ҳар бир туп гўзанинг қониқиб сув ичишини сергаклик билан кузатаётган сувчининг қиёфасида қандайдан-қанча шу шарафли касб эгаларининг завқли, айни чоқда машаққатли ҳаётни ҳис этамиз.

Туркумнинг «Оила» қисми ҳам график талқини жиҳатидан ҳаётий ва ёрқин чиққан. Агар санъаткорнинг «Пахтакорлар» туркумидаги «Биринчи чаног»ида иккисевинингини висол онтаридаги ҳажжонини тасаввур килсан, «Оила»я Ҳина ғинташиниң төрмуми күргазниридан кейинги иноқ ҳаётлари билан таништаётгандек бўламиз. Ўигит ва жувон эрта тонгдан жавлон уриб, «Оқ олтип» теришгану тушлик олдидан куёв йигилган нахтаин хирмон сарн эйтмоқда. Жувонининг бутуни ҳаёли лўпни-лўнни очилган чаноқларни терниб олинида бўлса, ўигит маҳбубига меҳрибон божхани ҳолда катта қанорни алпонга кўтариб турибди. Шу манзара ҳар томонлама профессионал маҳорат билан тасвириланган, ҳеч бир эътиroz тугдирмайди.

«Ўстоз ва шогирд» номи билан аталган қисмда эса моҳир механизатор Турсунойнинг издошларини тасаввур қиласиз. «Зангори кема» бункеридан тонна-тоннаб «Оқ олтин» тўкиб, ҳурмат қозонган устоз механизатор аёл янги терим мавсумига шогирд тайёрламоқда. «Ўзбекистон» пахта териш машинасининг штурвалини ишонч билан тутган шогирдининг қувончи чексиз.

Умуман рассомнинг «Пахта» туркумига кирган барча линогравюраси санъаткорона талқинини топган. Расмларда касбга бўлган меҳр, меҳнат завқи, ташвиши, роҳати, яратувчилик шукуҳи, шижоаткорлик бўртиб кўриниб турибди. Композициялари чуқур ўйланган, расм талқини томонидан ҳам профессионал даражада улар бир-бирини тўлдирган. Расмларда замон-

дошларимизнинг ёрқии қиёфаси умумлашган тарзда моҳирона ифодасини топган.

Қутлуг Башаров ҳар икки туркумни, бизнингча, бир ном билан «Пахтакорлар» деб атаб, уни яна оригинал талқинли расмлари билан бойитса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки ҳар икки туркумга кирган расмлар тематик жиҳатдан бир-бирини узвий тўлдирган.



«Теримшілар», «Пахтакорлар» туркумидан.

«Ондин», «Латвияпап» тағы да жай.



«LATEX qalibqarish», «LATEXshop» tizbyuuveni







Сарбоз. Народн. тајркумбони



«Деҳқон». «Пахта» туркумидаш.



«Үетоз ва шогирд». «Пахтакорлар» туркумидаш.



Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида асарлар яратниш тасвири усталаришиг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда. Ўзбек тасвирий санъатининг муҳлислари Ўрол Тансиқбоевининг «Ўруши ортидан» туркум расмларини, Самир Абдуллаевининг қатор живопись асарларини, Лутфулла Абдуллаевининг «Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал Собир Раҳимов портрети», «Қутиб олиш» ва бошқа ўплаб ҳарбий-ватанпарварликка оид тасвири намуналарини мамиуният билан кутиб олганлар.

Мазкур мавзуга Қутлуг Башаров ҳам ўз ҳиссасини кўшди. Унинг бу борадаги дастлабки асари «Чегара-да» триптихидир. Триптихининг чап қисми «Шубҳалашиш», марказий қисми «Ҳамиша ҳушёр» ва сўнггиси «Қўлга тушди» деб номланган. Ҳалқимиизниң тинч, осуда турмуш кечиришлари йўлида чегарада кечани кеча, кундузни кундуз демай, сергак турпб посбонлик қилаётган жасур совет чегарачиларининг ҳаёти воқеий ҳикоя қилинган.

Рассом 1969 йилни чегара соқчилари билан ижодий учрашув ўтказди, заставаларда бўлиб, посбонлар ҳаёти билан яқиндан танишади. Ана шу танишиш жараёнида унда чегарачилар ҳақида триптих линогравюра ишлаш ишити туғилади, материаллар тўплайди. Қайтиб келгач, «Чегарада» триптихига қўл уради.

«Чегара»да линогравюралари мазмун ва композицияни жиҳатдан анча бўшроқ ҳамда умумий бўлса-да (лекин график талқини, йўнилиши, воқеликниң жонли кўрсатилишини томонидан профессионал талаб даражасида), республика рассомларининг ҳарбий-ватанпарварлик мавзунга багишланган кўргазмасида намойиш қилинди ва триптихининг марказий қисми «Ҳамиша ҳушёр» деб аталди.

Рассом 1972 йилининг охиirlарида яна шу мавзуга қайтиб, япги триптихини «Ватан посбонлари» деб номлади. Чегарачилар жасоратига багишланган мазкур триптихининг «Тинчлик посбонлари» деб номланувчи марказий қисми мавзуни аввалгига иисбатан кенг кўламда қамраб олганлиги, юқори график талқини билан ажralиб туради. Унда она-Ватаннинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билib, постда сергак турган совет чегарачиларини биринчи плаанда бўрттириб кўрсатилга. Қўлида автоматини маҳкам тутган солдат

образи (унинг орқа томонида яна иккى аскар кўрсатилган) мукаммал яратилгандир. Биз шу биргина солдат тимсолида барча чегарачиларимизнинг умумлашган образини кўрамиз. Кенг планда бўрттириб тасвирлаиган чегара посбонларидан кейин иккинчи планда совет кишиларининг тинч ва осойишта ҳаётини, бунёдкорлик меҳнатини кўрсатувчи ёрдамчи компонентлар берилган. Саноат ўзоқларига нур элтаётган ГЭС, поёни уфқа туташиб кетган пахтазор, саноат корхоналаридаги меҳнат жараёни, тинчлик рамзи — кабутар, ҳар қандай агрессорни жиловлаб қўйишга ҳозирку қодир ракета ҳаётий ифодасини тоғган. Совет кишиларининг тинч яашлари ва ишлашларида Ватан посбонлари — чегара қўриқчиларининг вазифаси нақадар шарафли эканлигин тасвири тили билан битилган. Триптихни тўлдирувчи ўнг ва сўл қисмлар олдиндагидек «Шубҳаланиш» ҳамда «Кўнга тушди» деб атаган. Бироқ оиз уларда олдинги мавхум жараённи эмас ташвиши ошик, ишончи сергак ва ҳушёрликни ҳис этамиз. Рассом «Чегарада» триптихида оқ ва қора ранглардан фойдаланган бўлса, «Ватан посбонлари» литографиясида кўкиш, жигар ранг ва қизғиш рангларни қўллаган. Бу ранглар композициясининг аниҳа аниқ, кўркем чиқишига умуми таъсир кўрсетада, бироқ мавзунин таъсирчалигини оширишда қўл келмаган. Асаридан кўнгли тўлмаган рассом изланишин давом этилди.

Биз Ўзбекистон рассомларининг 1973 йилининг февралида Совет Армияси ва Ҳарбий-дениз флотининг 55 йиллигига багишлисанган кўргазмада унинг «Ватан посбонлари» триптихини янги вариантда линогравюра техникасида кўрдик. Мавзуни ҳар жиҳатдан мукаммал ва оригинил талқин этиганлигининг шоҳиди бўлдик. Рассом бунда литография техникасида бажарилган олдинги триптихнинг марказий қисмини «Ҳамиша сергак» деб иомлаб, чап томонга олган. Шу лавҳа олдинги вариантдаги тасвирида битта чегарачи бўрттириб кўрсатилган, қолган иккى аскар орқа планга олинигац, сёқ тутиш ҳолатлари ўринини тоимаган. Композицияни тўлдирувчи деталлар кўп бўлса, мазкур линогравюрада учала чегарачи биринчи планда борлиқни кузатиб сергак туришган ҳолатида тасвирланган. Ёрдамчи деталларнинг кичрайиши эвазига чегарачиларининг оёқ

тутишига майдои очилган, улар ғуж бўлиб эмас, кёракли даражада ёйиқ ўрин олган.

Триптихнинг марказий қисми бу сафар «Барча ҳушёр бўлиши керак» деб номланди. Бунда муқаддас чегарамизини фақат ҳарбий посбоиляргина эмас, балки ҳар бир ватаниарвар қўриқлаши, бу муқаддас ишга ҳамма-ҳамма улуш қўшиши кераклиги тасвири тили билан берилган. Расмда чегара яқинида пода боқиб юрган чўпон чегарада жосус кўрганилигини ҳаяжонланиб маълум қилмоқда. Асарда ортиқча деталлар йўқ. Тоғ манзараси, заставанинг бир бўлаги... «Ҳамиша сергак» қисмидаги иккни чегарачи. Ана шу лавҳада ҳаяжонли, ташвишли ҳолат ҳаётний, аниқ график талқинини тоングаи.

«Душман ўтолмайди» номи билан аталгани сўнгги қисмда эса биз олдинги вариантларда ҳам танишилган, чегарада қўлга олингани жосус қиёфасини, икки жасур чегарачини кўрамиз. Рассом олдинги расмларида шу ҳолатни табнат фоинда оддий тасвириллаган эди. Сўнгги вариантда эса, чегарамизининг муқаддас ва дахлсизлигини, Ватан посбоиляриниң ҳамиша сергак туришини, ҳаво лочиниларининг парвози, ҳар қандай агрессорга исталган вақтда (агар у хуруж қиласа) зарба бернишга қодир, парвозга ҳозир ракеталар, радиолокатор каби деталларни кўрсатиш орқали берилган. Шулар орқали тасвири реал ифодасини тоングаи.

«Ватан посбоиляри» триптихининг сўнгги вариантида рассом юксак профессионал маҳорат эгаси эканлигини, изланиш, меҳнат мешақатларидан чўчимаслигини яққол ҳис этамиз. Учликнииг литографик вариантида муаллиф кўкиш, жигар раҷг ва қизгимтири ранглардан фойдаланган эди. Бироқ бу ранглар мақсадни аниқ очишга ёрдам бермади ва ёрқинлик касб этмади. Сўнгги линогравюра вариантида эса рассом қора, ялтироқ қизил ранглардан фойдаланган. Унда умумий фон қизил бўлиб, персонажлар, ёрдамчи компонентлар қора рангда берилган, бу ранглар мақсадни аниқ очишда бир-бирига уйгун келган.

Қ. Башаров 1967 йилли Белоруссияда ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашганида Брест қалъасида бўлиб, совет жангчиларининг жасоратларини ҳикоя қилувчи материаллар билан танишади ва «Брест қалъаси» триптихини яратишга қўл уради.

Триптихнинг биринчи қисми «Мен ўламан, лекин таслим бўлмайман», марказий қисми «Ўлим билан юзма-юз» ва охиргиси «Қалъа қаҳрамони Фомин» деб аталади.

— Қаҳрамон қалъа билан ҳаяжонланниб, гуурланиб танишар эканман, афсонавий қаршилик кўрсатганлардан бирининг қалъа деворига «Мен ўламан, лекин таслим бўлмайман», деб ёзиб қолдирган қалб сўзлари мени тўлқинлантириб юборди. Асар яратиш нияти ўз-ўзидан тугилди,— дейди шу ҳақда гап борар экан муаллиф.— Мен ўша ёзувин ўша ҳолатнда этюдга кўчириб олиб, унга шу сўзларни личноқда ўйнб ёзаётган совет солдатининг ўша ҳолатдаги тасвирини қўшдим. Қалъа қаҳрамони Фоминни кўрсатишда эса жангчининг фотосуратидан ижодий фойдаландим. «Ўлим билан юзма-юз» қисми эса, ўз фантазиям. Мен бу триптихи ишлашга киришар эканман, қалъа-музейининг ходимлари яхиндан ёрдам беришди.

Триптихнинг «Ўлим билан юзма-юз» ва «Қалъя қаҳрамони Фомин» қисмлари жонли чиққан. «Ўлим билан юзма-юз»да разил душманга кўл пулемётидан ажал ўқи ёғдираётган пулемётчининг газабли қиёфаси, жон берётган жангчини тутиб, душман томонига сергаклик билан боқаётган ҳаминранинг ҳолати ишончлар талқинини топгандир.

«Қалъа қаҳрамони Фомин»да тенгиз душманига қарши жангда оғир яраланига Фомин ўиг кўли бўйинига осиглиқ, чап қўлининг бармоқларини қаттиқ қисган ҳолатда фашист газандаларни томонига нафрат ва газаб билан магрур боқмоқда. Фоминининг танаси бўрттириб — дев қомат қилиб тасвирланган. Пастда, орқа фондаги қабр тоши ва унинг устидаги гул Фоминининг қалъани ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлганилигини, Фомин каби мардларнинг кўрсатган афсонавий жасорати, шон-шуҳрати абадий унутилмаслиги рамзий маъносини топган.

Зотан, Қ. Башаровнинг триптихи Белоруссияда чиқадиган «Чирвоња змена» (1967 йил, 10 апрель) газетасида берилди ва унда илиқ сўзлар битилди. «Декада қатнашчиси Қ. Башаров қаҳрамон Брест қалъаси билан танишиб, график триптих ишлаб, Брест қалъаси қаҳрамонларининг буюк жасоратига бағишланган асарлар мундарижасини бойитишга ҳисса қўшди. Ўзбек рассомига янги ижодий зафарлар тилаймиз».



«Қалъа қаҳрамони Фомин».



«Шубҳаланиш», «Ваган поебонкотар» триптихидан.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоининг муборак сиймосини тасвирий санъатда акс эттиришга бўлган интилиш Қамолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музақҳиблардан бошланган. Шундан буён мўйқалам аҳли Алишер Навоий образини яратиш, ўлмас асарлари мазмунига мос миниатюра ва бадиий безаклар чизиш устида сабот билан ишлаб келмоқдалар. Бу эзгу интилиш инсон сиймосини тасвирлаш тақиқланган жаҳолатни ўрта асрлар шаронтида ҳам маълум дараҷада давом этди.

Тасвирий санъат соҳасида Алишер Навоий образини яратиш, достон ва ғазалларига тасвирий сайқал беришга бўлган интилиш Ўзбекистонда буюк Октябрь инқилобидай кейин, айниқса, Навоий тавалудининг 500 йиллигини ишионлаш арафасида кучайди. Шу қутлуғ сана олдидаи Алишер Навоийнинг образини яратиш борасида эълон қилинган ижодий мусобақага кўпгина тасвир усталари ўз асарлари билан фаол қатнашдилар. Ҳакам аъзолари ва томошибинлар ўша кезларда Үрол Тансиқбоев, Владимир Кайдалов, Лутфулла Абдуллаев, Алексей Иванов, Баҳром Ҳамдамий, Михаил Рождественский, Чингиз Ахмаров ва бошқаларнинг ижодий изланишлари билан танишдилар. Шунингдек, назм даҳосининг 1940—1941 йилларда иашр этилган асарларига тасвирий сайқал беришда Искандар Икромов сарвар бўлди.

Улуг Ватан урушидан кейин Алишер Навоийнинг юбилейини нишонлаш ҳозирлиги қизиб кетди. Мусавиirlар жиддий ижодий изландилар. Бу борадаги мукофотии В. Қайдалов «Алишер Навоий портрети» учун олди. Шу портрет Ўзбекистон ҳукумати томонидан асос қилиб тасдиқланди.

Тасвирий санъатда абадий барҳаёт Алишер Навоий образини яратиш, у мерос қолдирган бадиий жавоҳирларни сайқаллаш ишлари айниқса мутафаккир шоир туғилган куннинг 525 йиллиги таваллуди арафасида авж олди. Шу қутлуғ сана муносабати билан тасвир усталарининг махсус кўргазмаси ташкил этилди. Шоир мухлислари Ч. Ахмаров, А. Абдуллаев, Б. Бобоев, А. Циглинцев каби рассомларнинг армуғонлари билан завқланниб танишдилар.

Кўпгина тасвир усталари Алишер Навоий образини яратишда кўпроқ унинг ҳам шоир, ҳам давлат арбоби

эканлигини беришга интилганлар ва бунга муваффақ бўлганлар. Айниқса бу жиҳат В. Кайдаловнинг «Алишер Навоий портрети»да кўзга яққол ташланади. Биз В. Кайдаловнинг мазкур портретини образ талқини жиҳатидан олқишилаймиз, албатта. Бироқ иуроний Навоийнинг қизил пешматда кўрсатилиши мантиққа тўғри келмайди. Одатда Шарқда ёши элликлардан ошган кишилар оқ ёки малла ранг устки либос кийиншларн одат тусига кирган. Бу жиҳатдан рассом Абдулҳақ Абдуллаевнинг мойли бўёқда ишлаган «Алишер Навоий портрети»нинг учинчи варианти ҳақиқатга тўғрироқдир.

Қутлуг Башаров Алишер Навоий ҳақида асар яратишини ният қиласр экан, у севимли образни шоир сифатида — ғазал мулкининг сultonни сифатида кўрсатишга интилади.

Рассомнинг «Алишер Навоий Ҳиротда» портрет лингравюрасида Алишер ўзи тугилиб ўсган Ҳиротининг айни саҳар чоғидаги жамолига мафтуҳ боқмоқла. Ҳийна тароидати қадаби тубориб турди. Ундан берида эса фуқаро истиқомат қўплаётган турна қатор уйлар. Санъаткор Алишер Навоий образини Маҳмуд Музахҳиб миниатюрасидан ижодий фойдалангани холда ишончли ва қатъий қилиб яратган. Ижодий камолот чўққисига кўтарилган буюк Алишер сиймоси ўрта аср шаҳри Фонида ҳаётнӣ, жонни тас вирланган. Композиция график талқини жиҳатидан ҳам юксак талаб даражасида. Шоир оромбахш тонги сабо ҳароратидан уйғони келаётган кўхна шаҳарга меҳр ва ишонч тўла кўзлари билан боқмоқда.

Алишер Навоий таваллудиинг 525 йиллиги шодиёнасига диёrimизнинг барча ижод аҳли арзигулик армугон ҳозирлади. Бу тўёналарнинг аксари буюк шоир номи билан аталмиш адабиёт музеи фондидан фахрли ўрин олди. Шулар қатори Қ. Башаровнинг «Алишер Навоий Ҳиротда», «Ғазал битилди», «Хамса» достонларининг кульминацион воқеаларига оид лингравюралари ҳам муносиб ўрнини топди.

Ёр бўлмоқ тонг эмас мен зори расво бирла дўст,
Ким пари гоҳи бўлур мажнунни шайдо бирла дўст.

Лаъли севдум, кўзинг қатлидан қайғурмогум,
Не ғам ўлмакдин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст.

Бодампаймо зоҳид ўлса душман эрмасдур ғамим,
Менки бўдум харифи бодампаймо бирла дўст.

Зулфи савдои бу савдои бошиигда кўптуур.
Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст.

Сарв қатлиғ нулжабиллик дўстининг ҳижронида
Бўлмогим не гул била, не сарви раъно бирла дўст...

Санъаткорииң Алишер Навоийниң наврӯзи олами-
нинг саҳар палласида битилган мисраларини ўқиётган
завқли они тасвирланган «Ғазал битилди» линогравю-
расига нигоҳимиз тушиши билан юқоридаги байтлар-
ни беихтиёр такрорлагимиз келади. Унда оқ қоғоз сат-
хига ҳозиргина тушган оташ мисраларнинг тафтидан
ўзи ҳам сархуш бўлган шоир ўрнидан туриб, сатрлар-
ни ҳаяжон билан ўқимоқда. Расмда ғазал мулки сул-
тонининг шу ондаги ҳаяжонли ҳолати тасвир имко-
нияти даражасида ҳаётий ифодасини топди. Шоир
ижодхонаси, латофатга бой бор кўриниши, мусаввир
ниятининг бутунлигича очилишига ижобий таъсир қил-
ган.

Санъаткорииң «Хамса»даги «Ҳайратул аброр»,
«Сабъан сайёр», «Фарҳод ва Шири», «Лайли ва
Мажнун», «Садди Исқайдарий» достонларининг куль-
минационан воқеалари мазмунига монанд эркин ишлан-
ган линогравюралари ҳам томошибин таҳсинига ло-
йик. Алишер Навоийниң «Хамса»сига унинг ҳаётлик
вақтдаёқ мусаввирлар миниатюралар ишлашган. Қе-
йинчалик бу шоҳ асарга кўпгина халқларнинг тасвир
усталари ўз талқинларича расмлар ишлаб келишди ва
ишлашмоқда. Бу масъулиятли ишга Қутлуғ Башаров
ҳам қўл уриб, унинг тасвирда очилмаган қирраларини
очишга ҳаракат қилган.

Линогравюранинг тўнғич достон — «Ҳайратул аброр»га бағишлиланган қисми умуман эътиборга молик. Буюк шоирнинг бу дидактик достонида кишиларни ях-
шиликка чақирилади, деҳқонларнинг ҳалол меҳнати
улуғланади. Шоҳларни одил бўлишга даъват этилади. Композицияда эса шоҳнинг машшат они профессионал
тасвирланган. Расм композицияси, персонажлар тал-
қини, умумий мазмунни тўлдирувчи компонентлар жо-
йида. Бироқ рассом достонни синчковлик билан мuto-

ләа қилиб, халқа ғиэқ-рўз улашувчи деҳқонлар ҳақидаги қикоятлар мазмуни асосида композиция яратганида мақсадига янада тўла эришган бўлар, шоир илгари сурган ғоя маълум даражада чуқурроқ очиларди.

Шоҳ чу билди санам тамашносин,
Тонди филҳол анинг муаммосин.

Демади нозайнин ҳодисини йўқ,
Чекти ул садоқдини иничка ўқ.

Сайд сори чекиб дараанг билла,
Тикти иккى қўйни ҳадаанг билла.

Ким ул ўқ ўтмади яросидин,
Терп бирла сўнгак яросидин.

Чунки бўлди газол қўйлари банд,

Тасвир ташниғи

Рассоминг «Сабъан сайёр» достонидаги шоҳ Баҳром билан Дилором ўртасида ширкор пайтида бўлиб ўтгай кульминацион воқеага багишланган расмида ширкорилаги мисраларда қайд этилган мазмун тўта ифодасини топган. Дилоромнинг шартини бесками кўст бажаргани Баҳром саман устида магрут туриб, яраланган кийикка голибона ғурур билан боқмоқда. Тасвир устасининг маҳорати шундаки, у кичик ҳажмдаги композицияда қисқа, нафис чизиқлар воситасида самовий бўшлиқ ва ер тафтини кенг ифодалай олган. Ҳар икки шахснинг воқеа содир бўлган ондаги ичкп кечинмасини ҳам ўринли кўрсата билган. Достон билан таниш томошабин композицияга нигоҳи тушиши билан воқеа кечётган дақиқани кўз олдига келтиради.

«Фарҳод ва Ширин» достони мазмуни асосида ишланган линогравюрада эса, арман элида ариқ қазиша жасорат ва мардлик кўрсатган Фарҳоднинг Ширин билан бўлган илк висол они тасвиранган. Бу композицияда Ширин тахтиравонда эмас, балки Фарҳод жасоратининг тавсифини эшишиб, баҳодирга шириншарбат тўла мевали баркашни тутаётган ҳолатида кў-

ринади. Орзиқиб кутган висол онига мушарраф бўлган Фарҳод ички түғёнини босиб, камтарона миннатдорчилик билдиримоқда. Расмда тоғ манзараси штрихларда ишонарли тасвирланган. Тошларни мўмиёдек кесиб, оддий халқнинг оғирини енгил қилаётган чўқимоқ бўрттириб кўрсатилиши орқали асосий жараён ҳаётй ифодаланган. Бир-бирларига ибо, одоб билан боқаётган Фарҳод ва Ширин ҳамда канизакнинг туриш ҳолатлари жонли чиққан.

«Лайли ва Мажнун» шеърий романининг довруғи оламга машҳур. Унинг мазмуни асосида бир олам минаюра, живопись ва график расмлар ишланган. Қ. Башаровнинг мазкур асар мотиви асосида тўқима равиша яратган линогравюраси ҳам шу уммонга қўшилган бир томчидир. Лайли ва Мажнуннинг саҳродағи висол онларини тасвирловчи композицияга боқар эканмиз, Қайс тилидан айтилган мисралар ўз-ўзидан қўйилиб келади:

Чин сўзда шуур эмас шиорим,
Иўқ ҳарзо демакда ихтиёрим.

Девонамен, эй пари сифат ҳур,
Маъзурдир улки тутса маъзур.

Бўлдим чу сепинг ғамингда
нобуд,
Нобудға нуқта қайдა мавжуд?

Рассом асарида танлаган композициясини маҳорат билан очиб берди. Лекин композицияда Лайлининг орзиқиб кутилган висол онидаги туриш ҳолати руҳият жиҳатидан негадир талаб даражасида эмас. Балки рассом достонни етарли даражада чуқур мутолаа қилмаганининг натижаси бўлса керак бу қусур.

Навоий ўзи орзу қилган адолатли шоҳ образи яратилган «Садди Искандарий» достони мазмунига монанд чизилган линогравюра томошабинда асарга нисбатан яна ҳам иштиёқ ортириади. Олисда Қирон ўлкасини «яъжуҷ-маъжуҷлар»дан сақлаш учун турли халқлар томонидан биргаликда қурилган тинчлик ва осойишталик девори — Садди Искандарий виқор билан кўзга ташланиб турибди. Девор ташқарисида тинчлик — осойишталик посбонлари — жангчилар саф

тортишган. Адолатли подшонинг идеал образи сифатида тасвиirlанган Искандар эса, навбатдаги озодлик учун юриши олдидан раҳнамосидан оқ фотиҳа олмоқда. Композицияда рассом жасур саркарда Искандарни кўрсатишини ният қилган, расмдаги барча компонентлар бу ниятинг тўлалигича очилишига ёрдам берган, подшонинг ижобий фазилатли шахс эканлиги кўзга ташланиб туради.

Рассом Навоийнинг муборак таваллуди муносабати билан юқорида зикр этилган линогравюраларга қўл уриб, тасвирий санъатда навоийноманинг бойишига оз бўлса ҳам ҳисса қўшди. Бу расмлар буюк шоир номи билан аталмиш адабиёт музеинда сақланмоқда. Ижодкорнинг Навоий асарларидан яна кенг баҳраманд бўлиб, янада баркамол расмлар чизишига тилакдошмиз. Чунки мутафаккиринг бадиий меросига қанча кўп мурожаат қилинса, унинг янги-янги олмос қирра, яхшиларни, ишчалини борчидай воради.

Санъаткор Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг образлари ҳамда асарларига сайқал бериб, пжодий ютуқларга эришганидан кейин, бошқа классик ижодкорларнинг образларини яратиш устида ҳам тер тўқди. Қ. Башаров буюк ўзбек энциклопедист олими Абу Раҳён Беруний таваллудининг 1000 йил лиги олдидан унинг муборак сиймосини тасвирий санъатда жонлантириш ҳақида эълон қилинган республика конкурсига «Абу Раҳён Беруний портретини тақдим этди.

Рассом буюк олимнинг образи яратилган намунаий портрет бўлмаганлиги бонсидан мавзуга ўзича ёндашди. Беруний ижодини чуқур билган У. Каримов, П. Булгаков каби олимлар билан сухбатлашди, олим яшаган даврининг этнографиясига онд кўплаб материалларни ўрганди. Шу изланишлардан кейин эскизлар тайёрлади. Рассом Америка қитъасининг борлигини Колумбдан 500 йил олдин тахминлаган энциклопедистининг ижод мashaққатини чекаётган ҳолатида тасвирлади. Расмда чац кўлинин чаккасига тираган олим кўлида қалам, ижодий хаёлот дунёсига фарқ бўлган. Унинг шу ондаги ҳолати, ёқимтой, мулоим истараси, ўзини вазмин, салобатли тутиши катта ақл ва заковат соҳиби эканлигидан далолат бериб турибди. Миллий нақш берилган олти раҳли хонтахта, жавондаги ки-

тоблар, олим яшаган даврға оид бошқа ёрдамчи предметлар, ташқарыда күзға ташланиб турған қадимий шаҳар манзараси қаҳрамон образининг очилишига анча ёрдам берган. Биз катта ҳажмда ишланган линогравюрага боқиб, жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшгап буюк олимнинг сиймосини тасаввур этамиз.

Форс-тоҷик шеъриятининг буюк намояндаси Ҳофиз Шерозийнинг ҳамиша ҳаётбахш, лирик ғазаллари назм муҳлисларининг қалбини сеҳрлаб келмоқда. Рассомлар унинг сиймосини акс эттириш, ғазаллари мазмунни асосида расм ишлаш, девонларини безашда самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Бу ишга Қутлуг Башаров ҳам уриниб, муносиб ҳисса қўшди. Линогравюра техникасида «Ҳофиз Шерозий портрети»ни ишлади.

Ҳар икки портрет силуэтининг аниқлиги, тугалланганлиги, композициянинг образни очишга бўйсунганлиги билан дикқатга сазовордир. Бу портретлар Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг буортмаси билан ишланди ва улар музейнинг доимий экспозициясига айланди.

Агар ҳар икки портретни алоҳида-алоҳида кўздан кечирадиган бўлсақ, унда нуқсон сезмаймиз. Бироқ иккаласини бир жойга қўйганимизда ҳар икки персонажининг хонтахта устида қўл тутиш ҳолати бир йўсин-да тасвирланган. Ана шу нуқсондан қочилганда портретлар яна ҳам оригинал чиқкан бўлар эди.

Буюк ишқиlob куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг жўшиқин ҳаёти ва серқирра ижоди мўйқалам усталарини ҳам тўлқинлантириб келмоқда. Гўзаллик шайдоларі Ч. Ахмаров, В. Уфимцев, А. Абдуллаев, М. Набиев ва бошқаларнинг портрет ҳамда картиналарини қизиқиши билан томоша қилиб, завқ олмоқдалар.

Бу актуал мавзуда Қ. Башаров «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» альбомини тайёрлади. Альбомдаги Ҳамзанинг жўшиқин фаолияти ҳақида ҳикоя қўилувчи ўттиз иккита линогравюрада иборат расмлар орасида Қ. Башаровининг услубига хос «Ҳамза минбарда», «Ҳамза Йўлдош Охунбобоев қабулида», «Революция шоирлари», «Илҳом оғушида» қисмлари билан танишар эканмиз, Ҳамзанинг содиқ шогирди Комил Яшиннинг қўйидаги сўзларни хаёлимизда жонланади: «Ҳамза бўрон қуши

сифатида кишилик зўр мулдаоларининг мавжли уммони узра наъра урди. Тез орада бўрон гувиллаши ҳақида ўз халқига жар солди, ана шу шиддатли бўрон гувиллагач эса, галаба ва баҳт-саодат ҳақида, инсон идрокининг улугворлиги ҳамда партия билан халқнинг сиғилмас кучи тўғрисида қўшиқлар ёзиб, уларни ўз халқи билан биргаликда кўйлади¹.

Альбомда Ҳамзанинг кўп қиррали фаолияти, унинг асарлари асосида ишланган композициялар, шоир қилган орзунинг амалга ошаётганлиги ҳақида тасбিrlар жонли талқин этилган. Бироқ расмлар ҳамкорликда тайёрланганлиги сабабли улар ҳақида муфассал фикр юритишни лозим топмадик.

*

* * *

Нечаси тарихий воқеалариниң гувоҳи бўлган buquerque ва Самарқанднинг кинни ақди бөвэр қутмайтишни юёб ётгоптиктави. осор атикалари ўтмиш ва ҳозирги турли бадиий асарларда мадҳ этно келиммоқда. Бу шаҳри азимларта турли лаврларда қад кўтарган минора ва мадрасалар, арк ва саройлар нафис ҳашами ва салобати билан сайёхларни лол қолдирмоқда. Давримиз кинини таҳсилоти қўли гул халқ месъморлариниң ҳамда ўтқириз экшили устадарнинг меҳр қўрларига таҳсиллар ўқимоқдалар. Бу кўхна шаҳарлардаги маданият ёдгорликлари буюк ишқилобдан олдин ҳам, ҳозирги куниимизда ҳам тасвири аҳлини илҳомлантириб келди ва кельмоқда.

Қутлуғ Башаров мазкур тарихий обидаларга бой шаҳарларга неча бор ижодий сафар қилиб, «Бухорода» (уч расм) ва «Самарқанд — 2500 йил» (ўп иккита расм) линогравюраларни яратди.

Рассомининг «Минорай калон», «Мирараб мадрасаси», «Оқшом» расмларидан иборат «Бухоро»сида ҳасосликни, лўнда тасвирий ифодани қўрамиз. Унда образлар ва тўлдирувчи деталлар кам, тематик жиҳатдан жанрли ва лирик талқинга эга, монументаллик касб этган. Чиндан ҳам Қ. Башаров Ўзбекистонда миллий рассомлар орасидаи мустақил изланиб, етишиб чиққан, линогравюра, литография техникасида

¹ К. Яшин. Танланган асарлар, III том. Фафур Ғуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972 й., 73-бет,

юксак савида самарали ижодий меҳнат қилтаётгани санъаткордир. Бу санъаткорликни биз унинг «Самарқанд — 2500 йил» альбомига ишлаган ва юқорида қайд этилган линогравюраларида яққол кўрамиз.

Самарқанднинг XXV асрлик тўйига тўёна қилинган альбом Регистон майдони олдиаги миллӣ анъанавий шодиёнани ифодаловчи композиция билан бошланади. Унда қўша-қўша карнай ва сурнайларнинг тантанали садосига монанд хиромон этаётган раққоса, кишилар давраси Шердор мадрасасининг олди фонидаги берилган. Альбомга кирган ўн олтида композицияда «Шердор. Тонгги газета», «Бибихоним. Сайёҳлар», «Тиллаи кор. Пахта карвони», «Улугбек расадхонаси. Олиму фузалолар» ва бошқаларда қадимий ёдгорликларни шаҳарнинг шу кунги қайноқ ҳаёти билан омихта қилиб берилган. Альбомга нигоҳ ташлар эканмиз, рассомнинг композиция устида пухта ўйлаганлигини, аниқ график талқинга эришганлигини, сюжетнинг турил-туманлигини, мавзунинг аниқ ва лўнда ҳал этилганлигини кўрамиз. Санъаткор ёдгорликларни тасвирлашда мавзуга замонавий нуқтаи назардан ёндашган, образлар ҳам пластик ёрқинлик касб этган. Расмлардаги умумий лавҳалар, персонажларнинг хатти-ҳарарати, юриш-туриши кенг, перспектив пландаги қамраб слингган. Умуман рассомнинг кўпигина шундай линогравюралари кинохужжатчиларнинг воқеянкни эпик қамраб олишига ўхшаб кетади.


*
* *

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллӣ спорт ўйинлари бўлади. Бу миллӣ ўйинларининг баъзилари давр тақозоси билан йўқолиб боради, баъзилари ривожланаб, оммавийлашиб кетади. Айрим миллӣ ўйинлар вақт ўтиши билан қайтадан тикланади.


Қутлуғ Башаров ўз ижодий такомили давомида миллӣ мусобақа ўйинларини линогравюраларда кўрсатишни ниyat қилди ва бу истагини ўз ижодий анъанасига мувофиқ триптихдан бошлади. «Ўзбек миллӣ спорт ўйинлари» триптихи СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги олдидан ташкил этилган республика рассомларининг ҳамда Ўрта Осиё республикалари ва



«Ғазал битпиди. Алишер Навоий».




«Базм». Алишер Навоийнинг «Сабъан сабёр» асари асосида.



«Шоҳ Баҳром овда».



«Искандар девори».




«Абу Райхон Беруний». Линогравюра.



«Бухоро. Минори калон».



«Ёй отиш». «Ўзбек халқ мусобақа ўйинлари» триптихидан.



«Сайёҳлар». «Самарқанд — 2500 йил» альбомидан.



«Гўри Амир». «Самарқанд — 2500 йил» альбомидан.



«Ҳар бир хонумни маддий таъсисатни олдилини кечиб, «Ҳамаридан — 9500 юни»

Д.И.Г., МИДАИ.





«Човгон ўйини». «Ўзбек халқ мусобақа ўйинлари» триптихидан.



«Рұмол олиш», «Ўзбек халқ мусобақа ўйндары» триптихидай.

«Самарқанд — 2500 йил». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи
Бадиний фондни тайёрлагани альбомдан лавҳалар. Линогравюра.



«Регистон майдони», «Самарқанд --- 2500 йил» альбомидан.

Қозоғистон тасвир усталарининг Москвада ташкил этилган зонал кўргазмасида намойиш қилинди.

Рассом ниятини миллий спорт мусобақаларининг ҳозирги кунда бизга унчалик таниш бўлмаган турларидан бошлади. Триптихнинг марказий қисми «Човгон ўйини» деб аталган. Бунда тўрт чавандоз от устида туриб худди шайбали хоккейда ишлатиладиган клюшкага монанд бурчакли таёқча билан кичкина тўпни рақиблари дарвозаси томон суриш учун қизғин кураш кетмоқда. Майдоннинг икки томонида ҳам жажжигина дарвоза. Тўп учун асосан икки отлиқ жон-жаҳди билан курашмоқда. Ундан берироқдаги рақиб тўпнинг йўналишини кузатиб турибди. Дарвоза яқинидаги суворий эса, бутун оғирлигини сўл томонга олиб, ҳимояга ҳозирланган.

«Човгон ўйини»да бир оний ҳаракат ҳаётий талқин этилган. Ўйинчиларнинг фикри зикри тўпда. Уларнинг туриш ҳолати, мувозапат сақлаши, от устида нақадар чаққои ҳаракат қилаётганлиги яққол сезилиб турибди. Бу қисем композицион қурилпини ҳамла балий талқинни жиҳатидан ҳам пухта чиққаи.

Триптихнинг чап қисми «Ёй отиши» деб номланган. Унда уч суворийни мўлжалга ёй отиши тасвиrlанган. Одатда ёй тўхтаб турилтган ҳолатда отилади. Мазкур линогравюрада эса ёй мўлжалга қаттиқ чопиб кетаётган от устида отилмоқда. Бу ўша тур миллий мусобақанинг шартларига тўгри келмайди. Бушинг устига нишон ҳам яқин масофада берилган. Агар ёй отувчилар узоқроқ планда берилганида рассом ўз олдига қўйган мақсадига эришарди. Бу ниятни нишон ўрнатилган ёрочни ярмига қисқартириш билан ҳам қисман амалга ошириш мумкин. Шунингдек, отларнинг инерцион ҳаракати ҳам аниқ чиқмаган. Назаримизда бу жараён шу мавзуга бағишлиланган миниатюраларга ўхшаб қолгандай туюлади.

— Мен «Ўзбек миллий спорт ўйинлари» туркуми ни қадимий турларидан бошлашга ният қилдим,— дейди муаллиф.— Миллий спортнинг қисман йўқолиб бораётган бу турларини халқ эпосларидан ўқиб, баъзиларини кексалардан суриштириб билмоқдаман. Мен шу туркумга киражак «Олишув» линогравюрамда бир чандаст паҳлавонни буқа билан олишувини кўрсатмоқчиман. Бизда миллий спортнинг бу тури ҳам бўл-

гац экан. Навбатда «Кураш», «Улоқ» ва бошқа миллӣй спорт мусобақаларини бериш учун изланяпман.

Бизда чолиб бораётган от устида ердан нарса олиш ўйини ҳам маълум. Бунда чавандозлик маҳорати ёрқин кўринади. Триптихнинг навбатдаги қисми «Рўмол олиш» деб номланган. Асарда чавандоз йигитнинг ердан рўмол олиш ҳолати яхши тасвириланган. Йигит рўмолдан озгина нари масофада турган даврадагиларнинг қамчи ўйнатиши, ҳайқириги остида катта тезлик билан чопаётган от устида мувозанат сақлаб, ергаги буюмни олиши ҳақиқий суворийлигининг нишонаси. Рассом композициясида деярли барча деталлардан ўринли фойдалана олган. Бироқ асосий мақсад отнинг иперцион тезлигини беришга қаратилгани учун тулпор бир оз ер бағирлатиб қўйилган.

Мазкур триптих намойиш қилинганида унинг олдида кўпгина санъат муҳлислари қатори республика халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ва Абдулҳақ Абдуллаевлар ҳам тўхташиб, муаллифнинг ижодий муваффақиятларидан қувонишиб, рассомнинг ижодий фантазиясини яна ҳам бойитиши устида жиддий изланиши зарурлигини таъкидлашган эди. Қ. Башаров «Ўзбек миллӣй спорт ўйинлари» туркумининг навбатдаги вариантларини яратишда ана шу истакларга амал қилишп ҳақиқатан ҳам фойдадан холи эмас.



Ўзбек элли кузининг нақадар тўкин-сочинлиги, саҳнйилиги тилларда достон. Олтин кузимизнинг ўзига хос файзи, латофати, таровати, сўлимлиги ҳақида соҳиби қилқаламлар бир олам асарлар яратишган, кузининг зийнатини барада куйлашган.

Қутлуг Башаров мазкур мавзудаги «Куз» деб номланувчи литографик аллегорик триптихини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Санъаткор бунга қадар асосан линогравюрада асарлар яратиб келар эди. Литография техникасида яратилган «Куз» триптихи унинг биринчи катта ижодий зафаридир. Мазкур триптих дастлаб СССР ташкил тоғган куннинг 50 йиллиги олдидан Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон рассомларининг Москвадаги Марказий кўргазмалар залида очилган зонал кўргазмасида намойиш қилинди. Пойтахтга келган азиз меҳмонлар, талабчали томошибинлар бу триптих билан илк бор тапишинб, мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

— Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон рассомларининг зонал кўргазмасидаги кўнгина асарлар меңда яхши таассурот қолдирди. Кўргазманинг Ўзбекистон ССР бўлимида мен Ў. Тансиқбоев, Р. Аҳмедов ва Қ. Башаровларининг маҳорат билан яратган полотноларини завқланиб кўздан кечирдим. Мен шу кунга қадар Ўзбекистонда бўлган эмасман. Унинг гўзллигини китоблардан ўқиб, экранларда томоша қилиб гойибона кўргайман. Назаримда, унинг гўзллиги ва бойлигининг бир учқуни рассом Қутлуг Башаровнинг «Куз» триптихида ўз аксиини тоғандек. Триптих шафтолоси, анири, узуми ҳам, айниқса назокат билан боқиб турган аёл персонажлари ҳам менга манзур бўлди. Бу график расмлар кишида бенхтиёр лирик кайфият ўйғотади,— деб ёзади зонал кўргазманинг «Таассуротлар дафтарига Братск ГЭСининг қурувчиларидан бирин В. Н. Харитонов.

«Куз» триптихининг марказий қисми «Анор» деб номланган. Унда саватини ҳозиргина анорга тўлдирган оқила бир қиз мевани бўлажак умр ўйлдошига назокат ва ибо билан тутмоқда. Йигитининг чапдаст қўли анорда-ю, меҳр тўла кўзлари маҳбубига қадалган. У муҳаббат билан, вафо тўла нигоҳ билан севгилисининг ҳадя узатган қўлини оҳиста тутмоқда. Садоқатини,

пок севгисини қалбап изҳор этаётгандек. Қиз эса ички ҳаяжон билан ерга иффатли боқиб турибди.

Рассом йигит ва қизни анорзор фонида аллегорик тарзда кўрсатишга интилган ва ниятига тўла эришган. Икки томондаги икки туп анор ниҳоли умумий композицияга уйфун келган, асар колорити майин ва лирик ҳал этилган.

Триптихнинг чап қисми «Шафтоли» деб номланади. Унда уч хил позадаги уч дугоианинг шафтоли териш жараёни поэтик тасвирланган. Расмда саватларини бол томиб турган шафтолига тўлдириб олган жувонлар боғ оралаб йўлга ҳозирланишаётгандек. Қифтига сават қўйган аёл бир одим босган ҳам. Нимагадир ҳаяжон билан боқаётган ўртадаги аёл — унинг шафтолига қўл чўзган дугонаси композициянинг инерциончиқишига омил бўлган. Тасвирда ҳеч бир ортиқчалик сезмаймиз. Персонажларнинг туриш ҳолати пухта ўйланган. Муаллиф ҳар бир типажни турлича ёзлик кийимда ифодалаган. Биринчى дўппида, иккинчисини инсбатан кенг кўйлакда, рўмолини бошига ўрамасдан, ташлаб қўйган ҳолатда, навбатдагисини рўмолилини ихчам, чамбарак қилиб ўраб олган, енгиз кўйлакда ифодалаган. Автор бу билан диёrimiz водийларидаги аёлларимизни умумлашма тарзда кўрсатмоқчи бўлган ва учта типажни яхлит композицияда тасвирлаган.

Бу интилиш унинг «Узум» деб аталувчи учинчи қисмидаги ҳам кўзга ташланади. Бунда уч аёлнииг ширип-шакар узум ҳосилидан мамнунлиги, меҳнати завқини тотиётгандиги ҳаётий берилган. Улар, ширипшарбат узумларга марҳамат қилипг, деяётгандек мезбонолик назокати билан боқиб туришибди.

Умуман «Куз» литографик-аллегорик триптихга томошабиннииг нигоҳи тушиши билан унда лирик кайфият туғилади. Тасвир устасининг ниятига тушуна боради, эстетик завқ олади.

Асарининг пластик талқини лирика билан, майнлик билан сугорилгац, ёрқинлик, аниқлик касб этгани. Муаллиф мазкур триптихда Ўзбекистоннинг меваға ҳам конлигини, унинг сўлим bogлари нақадар кўплиги, олтин куз фаслининг тўкин-сочин келиши, мезбонликни ўрнига қўювчи соҳибкорларнинг меҳнати сама-



«Узум». «Узбекистон кузи» триптихидан. Литография.

раси, завқли мөхнат жараёнини кўрсатмоқчи бўлган. Лекин...

-- Лекин асарни чизиш жараёнида ўйимдаги ниятларимнинг ҳаммасиниң қофозга кўчира олмадим,— дейди Қутлуғ Башаров.— Чунки шундай қилсан триптихиниң умумий мазмунига, бадиий қимматига таъсир қилиб, эмоционал кучи йўқолар экан. Шу боисдан мен павбатда 12 листдан иборат «Олтин куз» туркум литографияни ишлашни ният қилиб қўйдим. Янаги куз фаслида диёrimiz бўйлаб ижодий сафар қилиб, бой материал тўплаш ниятидаман.

Муаллиф «Куз» триптихининг умумий фонига рамзий маънода олтин рангни олган. Бу эса, ниятиниң тўла амалга ошишига ижобий таъсир кўрсатгандир. Унда озод, завқли мөхнат нашидаси, севги, вафо мавзуининг умрбоқийлиги лирик тоңда тасвирланган. Бироқ «Куз» триптихи баъзи нуқсонлардан холи эмас. Биз бу нуқсоини асосан марказий қисмдаги «Анор»да сезамиз. Айтидан, рассом ўзбек миллий урф-одатларига етарлича эътибор бермаган бўлса керак. Одатда ким бўлишидан қатъи назар, ўзбекларда бошқа кимсага бериладиган буюм ўнг қўй билан узатилади, олувчи ҳам самимият билан ўнг қўяллаб қабул этади. «Анор»да эса, қиз апорни ўнг қўли билан тақдим этяпти, йигит эса чап қўли билан оляпти. Миллий қишили пичоқ ҳам доимо чап ёнга тақилади. Асарда эса пичоқ белбогининг ўнг томонига тақилган. Назаримизда, йигитниң оёқ тутиш ҳолати ҳам ниҳоясига етмаган. Агар шу композициянда йигит шу ҳолатида ўнг томонда тасвирланганида бундай жузъий иуқсоилар ўз-ўзидаи барҳам топар эди.

Рассомининг «Куз» ва умуман юқорида фикр юритилган кўлгина асарлари том маъноси ила ўзига хос миллийdir. У асарларининг миллий бўлишинга кўркуона эргашмайди, балки уни янги изланишлари билан бойитишга иштилади, янги миллий белгилар топади. Шу ўрида миллийлик ҳақида бир оз фикр юритишни жоиз топдик.

Ёзма адабиётимиз халқ оғзаки ижоди памунала-ри — латифалар, термалар, эртаклар, достонлардан баракали озуқа олиб, вояга етди. Оқибатда ажойиб назмий, насрый достон, қисса, романлар бунёдга келди. Музикада эса, халқ куйлари ривожланиб, профес-

сионал музика санъатининг тараққиётига омил бўлди. Халқ қўшиқлари, катта ашулаларнинг тараққиёти во-
каль симфоник поэмалар, ораториялар, операларнинг яралишида кўприк вазифасини ўтади. Миллий тасвирий санъатда ҳам бундай ривожланиш табий равишда бўляпти. Ҳозирги замон ўзбек рассомчилиги умумсовет тасвирий санъатининг умумий услубий ривожи билан биргаликда ўсиб боряпти. Шу ривожланиш билан бир қаторда ўзбек халқининг қадимий тасвирий санъат анъаналаридан ҳам ижодий фойдаланишга бўлган итилиш тобора ортиб бормоқда. Биз қадимий миниатюралар, Афросиёб ва бошқа жойларда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган деборий ва бошқа тасвирий асарлардан илҳомланилаётганилигининг намуналарини ҳам кўрамиз. Бу борада рассомларда, айниқса, ёшларда археологик олимларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига топилаётган янги топилмалари, жаҳоннинг турли жойларида сақланнаётган ўзбек миниатюра асарларидан ташкил топган альбомларнинг олиб келинниши ва нашр қилинниши катта қизиқиш тугдирмоқда. Бундай изланиш жараёнида шаклан миллий, мазмунан социалистик рассомчилик санъатимиз яна ҳам камол тонади, тасвирий санъатимизниг ижтимоий миллий бўёқлари, тасвирий воситаларни тараққий этиб, умумсовет санъатининг тадрижий такомилига муносиб ҳисса қўшади, интернационал белгилари ортиб боради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги олдидан эълон қилинган Тезисларда «Соғет Социалистик маданиятни миллий формаларининг хизма-хиллигига умумий, интернационал белгилар тобора кўпроқ сезилмоқда. Миллий белгилар бошқа қардош халқларининг ютуқларидан кўпроқ наф кўриб кўнаймоқда. Бу — ривожланиш борувчи жараёпdir. Бу жараёни социализм руҳига, мамлакатимиздаги барча халқларининг маидаатларига мос бўлиб тушади. Миллий тўсиқларни писанд қўлмайдиган ва барча меҳнат аҳлига баб-баравар хизмат қиласидиган янги, коммунистик маданият истиqlалири айни шу зайлда вужудга келтирилмоқда»,— деб миллий маданиятларнинг камолига ленинча баҳо берилди.

Қутлуғ Башаровининг хоҳ дастгоҳли графикасидаги, хоҳ китоб безакчилигига оид расмларига пигоҳ

ташлар эканмиз, уларда миллийликни ёрқин ҳис эта-
миз. Бу ижодий ютуқларга у қадимий ёдгорликларда-
ги тасвирий намуналарни, халқ усталарининг ўлмас
даҳоси туфайли бунёдга келган амалий санъат дурдо-
наларини, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музахҳиб ка-
би мусаввирларнинг ижодий мактабларини, хаттол-
ларнинг китоб безатишидаги нафосатини, қолаверса,
жаҳон тасвирий санъати эришган илғор анъаналарни
синчиклаб кузатиши, ижодий ўрганиши, уларга замон
талаби нуқтаи назаридан ёндашиши туфайли мушар-
раф бўлди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати
Қ. Башаров коммунистик мўл-кўлчиликни бунёд этиш
йўлида фидокорлик кўрсатётган меҳнат қаҳрамонла-
рининг образларини яратиш борасида ҳам тинимсиз
изланиб келмоқда. У шу йилнинг бошларида диёри-
миз бўйлаб ижодий сафар қилиб, меҳнат жабхаларида
жавлон ураётган азаматлар ҳаёти билан танишиб, кўп-
лаб эскизлар чизиб қайтди. Булар номи тилларда
достон Ризамат ота Мусамуҳамедов, Ромстон райони-
даги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг чевар терим-
чиси Мұҳаррам Фармонова, Пастдарғом районидаги
«Ленинизм» колхозининг илғор сут соғувчиси Холис-
хони Ҳайитова, жиззахлик йилқибоқар Неъмат Фай-
зиев, Шерободдаги Қосим Раҳимов иомли совхоз ком-
сомол ёшлар бригадасининг бошлиғи Мұҳаррама Қур-
бонова, боботоғлик машҳур чўпон Норқул Йўлдошев
ва бошқалардир. «Меҳнат зарборлари» деб номлан-
ган бу туркум расмларини мусаввир литография тех-
никасида амалга ошириди. Мазкур литографиялар
санъаткорнииг умумий мавзуда эмас, балки конкрет
қаҳрамонлар ҳақида ҳам тўлақопли асарлар яратса
олишидан далолат берди.

Замон талабларига ҳозиржавоблик билан ижод
қилиб келаётган санъаткор Қутлуг Башаровининг даст-
гоҳли графика соҳасида яратган асарлари фақат
қайд этиб ўтгапларимизгина эмас. Биз унинг ижодидаги
дикқатга сазовор бўлгаплари ҳақидагина фикр юрит-
дик. Рассом томонидан эскизга туширилган ё бир оз
сайқал беришни талаб этадиган линогравюра, лито-
графиялари анчагина. Улар тематикаси билан талаб
дарражасида бўлса-да, график йўнилиши жиҳатидан,
пластика сайқали томонидан ижодкорни ҳали тўла

қаноатлантирумайди. Бундай ўз-ўзига талабчанлик эса, ҳар бир қилқаламда бўлавермайди, албатта.

Биз юқорида тилга олган тематикасининг ранг-бранглиги, мавзунинг атрофлича қамраб олинганилиги, қаҳрамонлар асар талаби нуқтаи назаридан пухта танланганлиги, улар узукка кўз кўйгандек ўрни-ўрнида берилганлиги ва бошқа ижобий ҳамда салбий ҳислатлари ҳақида юксак талқин даражасида бўлмаса ҳам тўхталиб ўтдик.

Умуман олганда Қутлуг Башаровнинг дастгоҳли графика асарлари пластик талқинининг лирик ва майинлиги, нафосати, мазмунининг ёрқин ва аниқлиги билан санъатдошлари ижодидан фарқ қилиб туради. Унинг график тилининг ҳаракатчан (инерцион) ва кучлилиги, силуэтининг аниқлиги, композицияниг асосий мақсадни очишга бўйсунганлиги, мавзуларининг ҳаётлийлиги билан ўзига хосдири.

Қутлуг Башаров ижоди катта ҳаяжон ва ўйга тўла. Шонратбиат рассом ҳаётда гўзалликиниг, ақлидрокининг тантанасини кўришни истайди, шуига интилади. Унинг бу йўлдаги чин нияти тиннмсиз синчковлик билан изланиши ҳамроҳи бўлиб келмоқда.



Инсон китоб туфайли оламиш билади, унниг тарақ-киёт қонупларини тушунади, ўзининг руҳий ва маънавий дунёсини бойитади. Зотан, китоб давримизнинг хаёти, унга ёш ҳам, кекса ҳам мурожаат қилади.

Агар китоб растасига кириб қолгудек бўлсангиз, кўпроқ эътиборингизни пафис, бежирим ишланган китоблар тортади. Ўзингизга ёққанини қўлга олиб, оҳис-та варақлайсиз. Ички сарлавҳа ва безакларига қизиқиши билан разм солиб чиқасиз. Бадний безаги ва полиграфик ижроси меъёрида чиққап китобни одатда нозарурроқ бўлса ҳам харид қилгингиз келади.

Ўзбек совет тасвирий санъатида китоб графикаси ба безакчилиги асосий ўриниши (айниқса 60-йиллардан кейин) эгаллаб келмоқда. Бу билан биз ўзбек китоб графикаси юксак погонага кўтарилди, ўз миллий устулибига тўла эга бўлди, демоқчи эмасмиз. Унниг ривожланишига диёримизда сиёсий, илмий ва маданий соҳаларда содир бўлгац ўзгаришлар самарали таъсир қўрсатди. Омма орасига кенг тарқалувчи бу соҳанини тараққиётига фақат график рассомларига эмас, балки живопись монументалист ва айрим ҳайкалтарошлар ҳам улуш қўшидилар. Китоб графикаси усталарни дастлаб китобларга кўпроқ умумий бадний безаклар ишлаб келган бўлсалар, 60-йилларга келиб ҳалқ руҳиши, ишчи, деҳқон ва зиёлиларининг ўзларига хос маънавий дунёларини типик ифодалаш, ўзларига хос дастхатга эга бўлиш, ҳар бир чизиқиниң сўзга монанд келиши ва бошқа хусусиятларга иштилиш кучайди. Китоб муқовасига, ички бошланиш саҳифаларига, варақларига ишланган график расм ва безаклар республика ҳамда Иттилоқ рассомларининг кўргазмаларидан муносиб ўрин ола бошлади.

Китоб безакчилиги санъати хусусида сўз борганинда Ўзбекистонда бу соҳаниниг пайдо бўлиши, шакллашиши ва камол топишида асосчи бўлган қалдиргоч миллий китоб наққоши марҳум Искандар Икромовининг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Китоб графикаси соҳасида сидқидилдан ижодий тер тўкиб, ўзига хос ижодий мактаб яратган санъаткор И. Икромов китоб безашда ҳалқ наққошлигидан ижобий ва ижодий фойдаланди ҳамда унга замонавий руҳ бағишлади. Санъаткор китоб безакчилигига фақат ўзига хос услугуб яратибгина қолмай, балки китобларни сод-

да ва нафис макетлаш, ўзига хос ҳарфлар танлаш, расмларни ўрни-ўрнига жойлаш, архитектоникиси соҳасида ҳам қилқаламлигини намойиш этди, кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Кейинги йилларда Искандар аканинг қобил шогирдлари ҳамда мамлакатимизнинг турли олий бадиий институтларининг графика бўлимларида таҳсил кўрган рассомлар китоб графикиаси соҳасида қалам тебратиб, бу соҳанинг ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Китоб графикиаси соҳасида сабит туриб мўйқалам тебратаетган рассомлардан бири Қутлуғ Башаровнинг ҳам китоб безакчилиги санъатида ўз ўрни, мавқеи бордир. Графика соҳасида бадиий билим юрти даражасида маълумот олган Қ. Башаров ижодий фаолиятини бошлаган кезларда республикамизда нашриёт ва босмахоналар қўпайғаш, китоб безатувчи рассомларга талаб ва эҳтиёж ортган айни қизгин паллага тўғри келди.

Умид ниҳоли изланиш кезларида бир қатор китобларга расмлар ишлаб, дастлабки синовдан ўтди. Ижодкорлардан С. Смирновнинг «Брест қалъаси қаҳрамонларини излаб» (1958) китобига чизган безакларни унинг келажаги порлоқлигидан далолат берди. Асаддаги безакларга бир-бир ишгоҳ ташласак, деярли ички расмларининг умумий бўлиб қолганлигини, ёрқин жиҳатлари билан ажralиб турмаслигини ҳис этсак-да, пулемётчиининг баҳодирлигига бағишлиланган композицияда ялт етган учқунни кўрамиз. Зотан, бундай учқунлар бирин-кетин аланга бериб, рассомнинг ҳақиқий ижодий қиёфасини кўрсатишида мухим омил бўлди. Шундан кейин Р. Отаевнинг «Зумрад япроқлар», С. Йўлдошевнинг «Чирчиқ бўйида», Содиқ Нуримбетовнинг «Салом, дўстларим», Мирмуҳсиннинг «Тунги чақмоқлар», Маҳмуд Таймурнинг «Хикоялар», Тугулбой Сидиқбековнинг «Тоғ орасида», Рўзи Қодирийнинг «Қураш илҳомлари», Осип Юхновнинг «Келинчаклар жазолайди», Сулаймон Рустамнинг «Танланган шеърлар», Шуҳратнинг «Сенинг севгинг» сингари кўпгина бадиий асарларнинг супер муқова, муқова, шмуцти-тулларига, ички саҳифаларнинг мазмунига монанд нақшли бошлама ҳарфлар, якуний расмлар китобхонларда яхши таассурот уйғотди.

Зотан, унинг истеъоди дастлаб китоб наққошлигийда намоён бўлди. Унинг шифокорлар ҳаёти, умуман тибиёт ҳақида ҳикоя қилувчи тўнгич мустақил расмлари ижодий фаолиятининг такомилида муҳим омил бўлди. У медицина мавзуидаги китобларга мақбул расмлар чизиб, бежирим макетлар тузиш билан бирга, бошқа санъатдошлардан ҳам шундай ижодий меҳнат қилишини талаб этади. Санъаткорниңг сидқидилдан изланишининг оқибати ўлароқ «Медицина» нашриёти чоп этган китобларнинг бадиий безаги мақтовга сазовор бўлди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон ССР ўртасида ташкил этиб келинаётган анъанавий зонал китоб кўргазмаларида фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирлаанди. Шулардан 20 га яқини шахсан Қ. Башаров қаламида сайқал топган-дир.

«Медицина» ва «Фан» нашриётларида китоб бе-закчилиги соҳасида эришилган ижодий ютуқлар Ўзбекистон рассомларининг X съездига қилинган ҳисобот докладда ҳам алоҳида қайд қилинди ва бу ташаббусини бошқа нашриётларга ёнишга даъват этилди.

Китоб безакчилиги иши билан учкалик таниш бўлмаган кишилар «Фан» ва «Медицина» нашриётлари чоп этадиган китоблар полиграфик жиҳатдан шухта бўлса кифоя, унда рассомнинг деярли ўрни йўқ, деган асоссиз даъвони илгари сурган ҳоллар ҳам бўлган. Ваҳоланки, илмий-назарий соҳага оид адабиётларниңг ҳам, бадиий асарлар даражасида безатилишини давримизнинг ўзи талаб этмоқда. Илмий китобларнинг атамасига жуда бўлмаганда рассом муносиб ҳарфлар излайди, макетининг хушбичим чиқиши хусусида бош қотиради. Таикили медик олим И. Н. Мешальтеннинг Ўзбекистон «Медицина» нашриёти чоп этган «Материальная комиссуротимия и её гемодинамический эффект» китобининг безаги (рассом Қ. Башаров) 1968 йилги зонал китоб кўргазмасида биринчи даражали дипломга сазовор бўлганлиги фикримизнинг шоҳидидир. Китобнинг устки муқовасида инсон юрагининг табиий кўринишидаги расми берилган. Ички безаклар ҳам анатомик жиҳатдан аниқ, тиниқ ва чиройли ишланган. Шунингдек, муқовадаги китоб атамасининг ҳарфлари кўп бўлишига қарамай, ихчам ва лўнда чиққан. Фақат бугина эмас, у сайқал берган

бир қатор тиббий асарлар: В. И. Русаковнинг «Регуляция воспаления и регенерации в хирургии», профессор Н. Мажидовнинг уч томлик «Клинико-диагностики и лечения лептоминингитов», «Инфекционно-аллергические заболевания нервной системы», «Алкоголизм и некоторые другие интексикационные заболевания», П. Л. Сеновнинг «Фармацевтик химия дарслиги», Г. М. Фрейдович ва З. П. Шулкованинг «Затяжные формы бруцеллеза и их лечения», Р. С. Гершеновичнинг «Лейшманиозы внутренних органов у детей», «Проблемы важнейших инфекционных заболеваний» (тўплам), «Вопросы гигиены и санитарии в Узбекистане», К. Х. Тагировнинг «Моченамеина болезнь у детей в Узбекистане», Б. Н. Калмыновнинг «Об очаговых пневмониях и рентгенодиагностике коревых пневмоний», «Искусственная гипертония» (тўплам), «Эпидемический гепатит» (тўплам), М. С. Астров «Избранные труды», Д. М. Абдурасуловнинг «Клинико-рентгенологические распознавания заболеваний дистального отдела голостой кишки», Л. Ю. Юлусовнинг «Физиология крови человека и животных в жарком климате» ва бошқа юзлаб китоблар муносиб бадиий сайқали билан китобхонлар назарига тушди.

Китоб нақошининг У. А. Орипов, П. Н. Мазаев, Э. В. Гришкевич, М. В. Дашиловлар томонидан ёзилган «Механическая желтуха» асарига ишланган расмлари ҳам юксак талаб даражасида чизилган. Рисоланинг муқоваси фони қора рангда бўлиб, унинг сариқ касалининг жигардаги асорати ярим ой шаклидаги расмда сарғиш ва қорамтири рангда ифодаланган. Имзо ва китоб атамасининг оқ рангда ихчам берилганини унга кўркамлик баҳш этган. Муқовада эса тилла рангдан ўринли фойдаланилган. Шунингдек, китобга 130 та оқ-қора рангли график расмлар илова қилинган бўлиб, улар авторлар ниятини кўргазмали равишда тўла ифодалашга яқиндан ёрдам берган. Рассом ана шу расмларнинг аниқ чиқиши учун У. Орипов ва М. Дашиловларнинг амалий кўрсатмаси асосида узоқ ишлади. Оқибатда бу китоб зонал кўргазмада (1971 йил) диплом билан тақдирланди.

Тиббиёт, хусусан, илмий-назарий китобларга расомлар томонидан тасвирий сайқал беришнинг ўзига хос қийин томонларидан бири шундаки, бундай ки-

тобларга муаллифлар томонидан қўйилган номлар бадний асарларга қўйилган атамаларга қараганда кўп ҳолларда меъёридан ортиқ бўлади. Масалан, Қ. Башаров томонидан 1962 йилда безалган И. Г. Мардерштейннинг «Отражения в художественной литературе учения о физиологии головного мозга» асари фикримиз далили бўла олади. Рассом китобнинг муқовасида беш хил: оч жигар ранг, оқ сарғиш, оч қизил, тўқ бинафша ранглардан фойдалангани ҳолда, китоб муқовасининг анча чироиличи қиқишига эришган. Рассомнинг юқори ва пастда «Отражение» ҳамда «головного мозга» сўзларини оч қизил рангда, қолгани сўзларни тўқ бинафша ранг фонида оқ рангда (ҳарфларни) бериши китобхонга анча енгиллик туғдирган. Мазкур рисолада ҳарфлар катта ва ўртача йўсунда берилган. Агар рассом ҳарфларни кичик ҳажмда қилиб юборса, ўқувчига дастлабки танишишида қийинчилик туғдирди. Ҳамма ҳарфларни бирдек танлаганида асарнинг иоми муқова саҳифасини бутуцлай қоплаб олиб, мутаносибликни бузарди. Шу боисдан, бундай узун атамаларга муносиб ҳарфлар танлаш рассомдан алоҳида маҳорат талаб этади. Бундай ўзиға хос қийинчиликларни ҳал этишда ижодкорларда Ю. Павлов ва бошқалар Қ. Башаров билан биргаликда изланиб, яхши патижаларга эришиб келинимоқда. Бундай асарларни безашда яна шуниси ҳам борки, китобларнинг ички қисмидаги кўргазмали расмлар рассомларнинг эрккӣ бадиий ижод қилишларини эмас, балки анатомик шакл ва ҳолатларнинг аниқ бўлишини талаб этади.

Шунингдек, Қ. Башаровнинг тиббий олим Л. Икромовнинг «Суд кимёси» ва «Суд кимёси практикуми», Ҳ. А. Юнусовнинг «Болезнь Боткина у детей» китобларининг муқоваларига ишланган расмлари ҳамда қўллаган ҳарфлари ҳам талаб даражасида чиқсан. Айниқса, унинг «Суд кимёси практикуми» даги изланиши эътиборга моликдир. Муқовада оч пушти, оқ ва тўқ қора рангдан фойдаланилган. Китобнинг атамаси ҳам муқованинг ўрта қисмидаги ёрқин берилган. Штативдаги колбаларнинг тасвири фонидаги қора ранг ва китобнинг ўнг томонидаги энли қора ҳошияяга уйғун келган асар атамасининг кўркам ва аниқ кўринишига ёрдам берган. Бундай ижобий далилларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Қ. Башаровнинг «Фан» нашриёти томонидан чои этилган «В. И. Ленин ва хорижий Шарқ адабиёти» (авторлар колективи) китобига ишлаган бадиий бе-заги ҳам зонал кўргазмада энг яхши бадиий безатилган китоблардан бироқ деб топилди. Китобининг умумий фони ол байроқ раигида бўлиб, унда В. И. Ленин жумлалари сарик рангда, бошқа сўзлар қора тусада ихчам форматда берилган. Ўнг томонда эса, халқлар доҳийси Владимир Ильининг монументал образи яратилган ёдгорлик тасвиirlанган. Ёдгорлик тўқ қорамтири ва қизгиш рангда. Умуман, бу тўрт хил тус бир-бирига уйгун келган, китобни салобатли қилиб кўрсатган.

«В. И. Ленин ва хорижий Шарқ адабиёти»ни қўлга олар эканмиз, хорижий Шарқ халқларининг ҳам асрий зулм искаинжаларидан озод бўлишларида фаолияти ва ўлмас асарларни билан раҳнамо бўлган Владимир Ильининг Шарққа меҳр ва ишонч билан боқаётганини ҳис этамиз. Ленин гоялари ва башоратлари шарқда ҳам амалга ошаётгаилигини қалбаи кўрамиз. Чиндан ҳам, хорижий шарқтик қашча-қашча сўз усталиари Лепин знёсидан баҳраманд бўлаётганликларини барада куйламоқдалар. Ана шу фикр рассомининг интида тўла-тўқис амалга ошган. Раиг танлашида сийқа услубдан қочиш ўз самараасини кўрсатган.

Ҳар бир санъаткор ижодий меҳнати жараённанда бир йўсунда юксалиб боравермайди, албатта. Баъзан қоқилади ҳам. Қ. Башаров шундай қатор ижодий зафарларга эришиши билан бир вақтда қайтариқларга, ноаниқликларга йўл қўйган вақтлари ҳам бўлди. Буни биз унинг Шуҳратнинг «Сенииг севгинг» шеърлар тўпламига ишлаган безагида кўрамиз. Рассом мазкур китобга бадиий жиҳатдан бўш безак чизгани йўқ, байроқ халқ наққошлигидан фойдаланаман деб Искандар Йикромовнинг услубини ихтиёrsиз такрорлаб қўйди. Агар у нақшга ижодий ёндашиб, асар руҳидан келиб чиқиб, унга замонавий элементлар киритганида, нағисроқ ҳарфлар танлаганида мақсадига эришар эди. Санъаткор бу нуқсонни тез англади. Муттасил изланниб, мустақил янги безаклар яратди.

Бу мустақил изланишнинг маҳсулини биз Г. Брянцевнинг «Амирнинг қиличи» қиссасига ишлаган безакларида ва бошқа расмларда аниқ кўрамиз. Қ. Башаров «Амирнинг қиличи»нинг икки нашрига безаклар

ишлади. Китобнинг ҳар икки иашрининг муқовасида бир хил композициядаги сурат (эрк учун курашган оддий халқ вакили — жангчининг амирлик истибодини емириш, икки синф вакилининг ҳаёт-мамот учун курашаётган они фонида тасвирланган) берилган. Бироқ иккинчи нашрнинг шмуцтитулида амир сарбозларининг бева-бечораларни ур-калтак, сур-калтак билан ҳайдаб кетаётганлигини кўрсатувчи расм қўшилган. Бу композицияда китоб муаллифи рамзий маънода олға сурган фикрни, яъни амир оддий халқни оғир эксплуатация қилиши орқали бойлик ортирган, деган ниятии тасвир «тили» билан кўрсатишга муваффақ бўлган. Бу жараён кўхна шаҳар кўчаси фонида тасвирланади.

Шунингдек, қиссанинг уч қисмига учта расм ва бобларнинг ниҳоясига воқеалар характеридан келиб чиқсан ҳолда олтия якуний расмлар берилган. Қисмларга ишланган линогравюраларда эса (биринчи қисмда) кўмилган бойликнинг сири битилган шамширни маҳкам тутган совет чекисти Комил Қаримовнинг ҳаяжонли қиёфаси, (иккинчи қисмда) уйдаги сирли қилични қўлга киритиш учун бўлган яширинча интилиш, (учинчи қисмда) бутуи қилинган уриниш ва умидларнинг сароб бўлиб чиқиши, оддий халқнинг пешана тери эвазига йиғилган олтнилар халқ мулкига айланганилиги ифодасини топган. Расмлар умуман ёзувчи илгари сурган инятларни китобхонларга етказишида муносиб ҳисса қўшига, асар мазмунини тўлдиргац, уйгуцелгани.

Қутлуг Башаров китоб наққошлиги соҳасида 1972 йили баракали ижод қўлди. «Медицина» иашриёти томонидан чоп этилган қатор тиббий рисолаларга рассом ҳамда расмлар муҳаррири бўлиб ишлаш билан бирга, атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Фолиблар», «Бўроидай кучли», «Қудратни тўлқин» романларига ҳамда «Дўстлик байробги» публицистик мақолалар тўпламига рангли литографик расмлар ишлади.

Дастлаб «Фолиблар» повесть шаклида эълон қилингани бўлиб, уни рассом В. Кайдалов безаган эди. Адид кейинчалик қисса устида жиддий ижодий меҳнат қилиб, унга янги образ ва воқеалар киритиб, 1972 йили роман шаклидаFaфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат иашриётида чоп этилди. Роман Республи-

камиз халқ ҳўжалигининг, айниқса, қишлоқ ҳўжалигининг энг ҳал қилувчи марказий масалаларидан бирига — сув масаласига, янги ерларни ўзлаштириш ва биринчи навбатда мамлакатга кўплаб пахта етиштириб бериш масалаларига, социалистик қишлоқда етишган янги, жонкуяр ва олижаноб совет кишиларининг умумлашган образларини яратиш, уларнинг ўзгартирувчанлик ва яратувчанлик фаолиятларини, курашларини бадиий ифодалашга багишлангандир.

«Фолиблар»нинг супермуқовасида романнинг кульминацион воқеаси — илгари синфий душманлар томонидан беркитиб ташланган булоқ очилиши, муздек ҳаётбахш сувнинг отилиб чиқа бошлаганлиги воқеаси жонли, ҳаётий тасвириланган. Оби ҳаёт кўзининг очилганлигидан, унинг сувсираб ётган бўлиқ экин майдонларга ҳали замон йўл олишидан фақат бободеҳқон Умрзоқ ота ёки Олимжон чексиз севинаётганларни йўқ, балки булоқдан қайнаб чиқаётган сувни энтикиб кузатаётган барча олтинсойликлар ҳаяжонланмоқдалар, қақраб ётган экинзорларини яшил либосга бурганишини кўз олдиларига келтириб шодланмоқдалар. Рассом супермуқовада ва бошқа расмларда қора ва олов рангдан ўринли фойдаланган. Расмда олтинсойликларни гурури, Умрзоқ ота ва Олимжонларнинг умумлашган образи ҳаётий, жопли яратилган.

Китобиниг муқоваси тўқ қизил раигда бўлиб, муаллифини номи ва романнинг атамаси ихчам тарзда нағис зарҳал ҳарфлар билан берилиган. Романнинг муқоваси ва макети ҳам бежирим чиққан. Асарининг шумуктигулида эса паст-баландликлардан иборат чўл маизараси, унда маизилга ошиқаётган Ойқиз, самода эса чўл бургутиниң парвози тасвириланган. Бу расмда булоқ кўзи беркитилгацдан кейинги аянчли маизара кўз олдимизда жоилингандек бўлади.

Қишлоқ Советининг раисаси Ойқиз романнинг бош қаҳрамони. У замонавий ўзбек хотин-қизларининг типик образи. Ойқизниң вазифаси оғир. Лекин у халқ олдидаги бурчини равшан тушунади. Ҳар қандай ташвишлар ва машаққатлар бу иродали аёлдаги ҳаётга муҳаббат, келажакка ишонч, дўстларга садоқат, халқни баҳт-саодатли қилишга интилиш туйғусини ўчиролмайди. Унинг раҳбарлигига ва ташабbusи билан янги ерлар ўзлаштирилади. Пахта ҳосилдорлиги оширила-

ди, эски қишилоқ ўринида яиги қишилоқ қад кўтаради. Зотан, романнинг ички қисмидаги биринчи литограф расм Ойқизнинг дастлабки фаолиятини очиб беришга қаратилган. Биз расмга боқар эканмиз, асардаги қуйидаги: «Ойқиз бошини кўтариб, юқорига қарди-ю, ўзини бир лаҳза йўқотиб кўйди, қўйқисдан юрагида пайдо бўлган кўрқув ва вахимадан ранги оқариб кетди. Унинг олдидা баҳайбат қуш кўзини тикиб турарди. Қушнинг сап-сариқ, катта кўзларининг қораҷиги бўрти чиққандай кўринарди. Вахимали йиртқич узун-узун тириоқлари орасига чанглаб олган суякни кемираркан, қиздан кўзини узмасди» сўзлари кўз олдимизда жонланади. Умуман, мазкур расмда ва кейингиларида Ойқиз оғгининг ўсиб, халқ баҳт-саодати учун курашчи бўлиб етишганлиги ўз ифодасини топган. Рассомнинг ижодий муваффақиятларидан бири ҳам ана шунда намоён бўлади. Навбатдаги расмда Олимжоннинг она-Ватан озодлиги учун аскарлик либосини кийиб, дўстি ва севгилиси билан хайрлашаётгани, кейингисида Умрзоқ отанинг кўз қораси Алишернинг немие офицерини аспир олганлиги воқеалари тасвирланган.

Романдаги бош қаҳрамонлардан бири — буюк инқилобдан илгари оғир эксплуатация зулмини, йўқчилик жабрини кўн чеккан, Октябрь ғалабаси туфайли ҳақиқий баҳтга эришган Умрзоқ отанинг образи ҳам тасвирда ҳаётни яратилган. Расмда биз Умрзоқ отани табиий оғат — ёгаётган дўлдан қаттиқ изтиробга тушган пуронийни бош яланг, оёқ яланг звеноси томон — меҳр билан парваришлаётган гўзалари томон ҳаллослаб чопиб бораётган ҳолатда кўрамиз. Ўқдай савалаб ёгаётган дўл ушинг юзига, бўйшига ва елкасига қамчипдек тушимоқда. Бироқ у ҳеч парсани писанд қилмай олга интилмоқда. Композицияда отахоннинг ана шу ҳолати жонли чиққап. Унинг жон-жаҳди билан ачиниб чонаётганилиги яққол ҳис қилинади. Ниҳоят, сўнгги расмда Умрзоқ отанинг сафдоши Ҳалим боғонинг каиалга кийим-боши билан тушиб, ўпқонни бекитаётган дақиқалари тасвирланган. Кишиларнинг табиий оғат олдида эсанкирамай, унинг олдини олишда бир тану бир жон бўлиб курашишлари ҳаётий ифодасини топган.

Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи «Фолиб-

лар»нинг мустақил давоми бўлиб, бу асарда ҳам Ойқиз, рајком секретари Жўрабоев, Смирнов, Погодин, Олимжон, Умрзоқ ота ва бошқалар бир ёқадан бош чиқариб, қум бўрони устидан ғолиб келадилар, Мирзачўл бағрида меҳнат қаҳрамонлари томонидан ўзлаштирилган янги ерда етиштирилган «оқ олтин»ни жонбозлик кўрсатиб сақлаб қоладилар. Қ. Башаров мазкур романга ҳам олтита литографик расм ишлаган. «Бўрондан кучли» нинг супермуқоваси асарнинг кульминацион воқеаси — қум бўрони пайти, унга қарши курашда матонат кўрсатган Погодинга Ойқиз ва Лолаларнинг мададга келиб, уни ўлим чангалидан олиб қолиш пайти тасвир тили билан берилган. Романи варақлашда давом этар экансиз, нигоҳингиз чўлга комил ишонч билан отланган Ойқиз, Олимжон ва Умрзоқ оталарга тушади. Бу расмдаги Ойқиз ҳар жиҳатдан камолотга эришган, қатъий продали, янгилик сари, халқ баҳт-саодати сари ҳамиша олға интилувчи қаҳрамон сифатида тасвирланган. Навбатдаги композицияда Ойқиз чойхонада илгариги зафарлари билан шишиниб кетган, шу магрурлик оқибатида ҳаётдан орқада қолаётган колхоз рапси Қодиров билан ҳақ иш учун талашаётган онода кўрсатилади. Учиничи расмда эса, гўзага жиҳдий шикаст стказгани табиии оғатдан кейин қаҳрамонларнинг ҳамдил, ҳамкор бўлиб меҳнат қилаётганликлари кўрсатилган. Қолган композициялар ҳам романдаги қызиқарли, ҳаяжонли воқеаларни очиб беришга багишлиланган.

Қутлуг Башаров ҳар икки романга чизган бадиий расмлари билан юксак профессионал малакага эга бўлган китоб наққоши эканлигини яна бир бор намоийиш эта олди. Китобхон жўшқини ишлаган расмларга бир-бир шигоҳ ташлаганида кўз ўигидан рсал воқеликнинг жоили маизаралари кинолентасидек ўта бошлайди. У биринчи безаги биланоқ китобхони тортади. Расмлардаги воқеаларнинг эмоционал кучи эса, борган сари ортиб боради.

Агар биз моҳир график рассом В. Қайдаловнинг мазкур дилогияга ишлаган расмлари билан Қ. Башаров литографияларини қиёслайдиган бўлсак, Қутлугнинг нисбатан юксак маҳорат кўрсатганлигининг шоҳиди бўламиз. Бу билан биз В. Қайдалов чизган расмлар бадиий жиҳатдан бўш демоқчи эмас-

миз, у расмлар ҳам асар воқеалари мазмунига мос. Бироқ безаклар назаримизда шунчаки безак бўлиб колган, расмларда ҳарорат етишмаган. Бу нуқсон ўассомнинг асар руҳига чуқур кириб бормаганилигидан далолат беради. Рассом чизган литографияларда қаҳрамонларниң ҳаракатлари борлиғи билан кўзга ташланаб туради. Расмлар шунчаки бадиий безак эмас, балки ёзувчи илгари сурган ниятни очиб беришга, воқеалар гирдобига олиб киришга ёрдам берган. Асар ғоясини янада чуқурроқ очишида бадиий восита бўлиб хизмат қилади. Биз «Фолиблар»нинг бошланишидаги ҳали содда Ойқизни «Бўрондан кучли»даги Ойқиз расмига таққослайдиган бўлсак, унинг меҳнат ва курашда нақадар тобланганлигини, ҳар жиҳатдан ўринак бўладиган қаҳрамон даражасига, умумлашган ўзбек аёллари образи даражасига кўтарилиганинг шоҳиди бўламиз. Расмларда қаҳрамонларниң кийим-кечаклари ҳам воқеа кечётган даврга мос бўлиб, персонажлар ҳарактерининг очилишига ёрдам берган. Ҳар бир расмда ҳар бир қаҳрамонниң жонли ҳаракатини, иштилишини ҳис этамиз.

Шароф Рашидовининг ижодида «Қудратли тўлқин» романни алоҳида мавқега эга. Бу эпик полотно Үлуг Ватан урушиниң 1943 йилини ўз ичига олган. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ана шундай оғир йилда фронт орқасидаги қаҳрамонона яратувчилик ва оташни ватанинварварлик фаолияти бадиий ифодаланади. Ана шу фаолият даҳшатли ва голібона уруш сурони фоизда берилади.

Рассом Кутлуг Башаров мазкур романга қатор лиитографик раингли расмлар ишлади. Бу расмлар ҳам олдинги бадиий сайдалларига раинг тузилиши жиҳатидан яқин бўлса-да, қаҳрамонлар қиёфасини ёрқин, ҳаракатчан (шерцион) ифодалашни билан китобхонини яна ҳам қувонтиради.

Китобниң супермуқоваси эпик полотниниң бош қаҳрамони Пўлат ва унинг севгилиси Баҳорининг айни паврўз палласида, Бахмалниң сой бўйида табиатга мафтун бокиб тургани дақиқаларини лирик ҳикоя қилиувчи расм билан бошланади. Шунингдек, романниң ички қисмларидаги бадиий безаклар ҳам ҳаяжонли воқеаларга бағишиланган бўлиб, рассом уларда она-Ватанинг қудратига қудрат қўшиш ҳиммати билан ғала-

бани тезлаштириш ииятида матонат кўрсатиб, меҳнат қилаётган Пўлат, Никитин, Рустам, Борис, Хайри Ҳакимовна каби қаҳрамонларнинг умумлашган образлари ни меҳнат жараёнида яратишга муваффақ бўлди. Бадиий безаклар роман муаллифи илгари сурган гоя—тарихни, воқеликни ҳаққоний акс эттиради ва зўр мантиқ билан совет тузумининг қудратини, совет халқларининг снгилмаслиги ва ўюшқоқлигини, беқиёс юксак ватан-парварлигии, партиямизининг чексиз доно раҳбарлигини реалистик лавҳаларда бадиий умумлашмалар билан кўрсатиб беради. Расмларнинг ҳар бири бошқасига ўхшамайди, ҳар бири ўзига хос композицияга эга, умумий контексга узвий боғланган.

Рассом бу ижодий муваффақиятларга осонликча эришмади, албатта. Яна шуинси характерлики, у шўпайтга қадар безаган китобларга линогравюралар чизарди ва бу борада ўз дастхатига мукаммал эришган эди. Юқорида зикр қилинган романларда эса, биринчи бор литография техникасини қўллаб, бу борада ҳам истеъдодини намойиш қилди. Мазкур ижодий ютуқ ҳадсиз изланиш, ўта талабчаник самарасидир.

Шароф Рашидовнинг «Дўстлик байроби» китобининг иккинчи нашрига (биринчи нашри 1967 йили Узбекистон КП Марказий Комитети томонидан чоп этилган) супермуқовами рассом А. Ошайко безаган. Ички безаклар берилмаган. Қутлуг Башаров чизган ички безаклар ҳар бир бобининг иоми билан ататади.

Биринчи расм «Ленин байроби остида» деб номланган. Рассом ўз ижодий фаолияти давомида В. И. Ленин образини яратишга бир неча бор мурожаат қилиб, ижодий зафарларга эришгацлигини таъкидлаган эдик. Мазкур расмда ҳам у ўзига хос мустақил йўл тутиб, улуғ доҳийнинг муборак сиймосини композициянинг марказий қисмида, биринчи планда кўрсатган. Унда доҳий минбардан туриб эркесевар халқларга мурожаат қилаётгандек. Рассом доҳийнинг юқори кўтарилиган ўнг қўлини бўрттириб, йирик планда кўрсатган. Бу тадбири ҳам ниятини тўла амалга оширишига ёрдам берган. Композицияда асосий гояни тўлдиришга ёрдам берувчи лавҳалар ҳам мавжуд. В. И. Ленин тасвиридан кейин иккинчи планда кўрсатилган одамлар доҳий бошлаб берган буюк режаларни изчиллик билан амалга оширганлар ва ҳаётга тад-

биқ этаётганилар тимсолида ифодаланган. Шунингдек, расмдан Улуғ Октябрь галабаси арафасидаги озодлик учун олиб борилган кураш лавҳалари, бу курашда ўзбек ишчи ва деҳқонларининг ҳам фидойилик кўрсатгани, ишчиларнинг бунёдкорлик мөхнати ва шижаотини кўрсатувчи ёрдамчи компонентлар ҳам ўрин олган. Расмнинг шафақ рангida берилиши мазмуннинг яна ҳам жонли, салобатли чиқишига омил бўлган. «Ленин байроғи остида»га яна қайта нигоҳ ташлар эканмиз, ёзувчининг: «Эндиликда жаҳон мөхнаткашларининг интернационал бирдамлиги байроғи ҳамма қитъаларда мағрур ҳилинираб турибди. Бутун жаҳонда мөхнаткаш халқнинг дўстлик ва биродарлик, баҳт ва озодлик тоғиги отмоқда! Ленин ғояларининг порлок нури, улуг Октябрь қуёши халқларининг истиқбол йўлини, озодлик ва баҳт-саодат йўлини ёритиб турибди,— деган сўзлари мужассам ифодасини топганлигининг шоҳиди бўламиз.

Иккинчи расм «Рус халқи билан мангу биргамиз» деб аталади. Бунда рассом самарали изланиши туфайли оригинал талқин тонган. Расмнинг пастки қисмида 14 Туркистон комиссарлари хотирасига ўриатилган тарихий ёдгорликнинг бир қисмини кўрсатиб, Туркистоннинг Ўрта Осиё халқларининг асрий зулмат искази жасидан халос бўлишларида, ҳақиқий озодликка эришишларнда рус халқининг, уларнинг курашларда тоблаига жасур фарзандларининг — рус большевикларининг пақадар буюк роль ўйнаганликларни шу лавҳа мисолида кўрсатмоқчи бўлган ва шиятига эришгап. Уйдан юқорпроқда эса асрий чимматларини ёниб турган гулхангитқитатётган ўзбек аёлларини, кўҳпа шахарининг бир бўлагини, озод мөхнат ва бунёдкорлик туфайли қуёшли динермизнинг социалистик қиёфа олганлигини кўрамиз. Рассом СССРнинг Давлат Гербий фоида ўзбек, қыргиз, туркман ва тожик халқлари вакилларининг сиймосини бўрттириб кўрсатиб, уни биринчи планга олиб чиққан. Бу халқларининг ҳур ва фаровон, баҳтли ва осуда ҳаёт кечираётганиларнда улуг рус халқининг ёрдами пақадар буюк бўлганлиги, улуг рус халқи совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик тарихи жараёнида камол тонганлиги, бу мустаҳкам дўстлик революция жангларида, озодлик учун бўлган урушлар ўтида мустаҳкамланиб, комму-

низм улуг ишининг тантанаси учун курашларда яна ҳам чиниқанлиги воқеий ифодасини топган.

Навбатдаги қизил рангли литографиялар «Бирдамлик йўли» ва «Ягона оила» деб номлаигандир. «Бирдамлик йўли»да Осиё, Африка ва Лотин Америка сидаги мазлум халқларнинг озодлик харакати тобора ўсиб-мустаҳкамланётганлиги, империализмнинг қуллик занжири ва кишашлари чилшарчин бўлаётганлиги, тинчлиқ, миллий ва ижтимоий озодлик учун курашувчи мазлум халқларнинг мардонавор жасорати кўрсатилган бўлса, «Ягона оила»да 1966 йилнинг 26 апрели тонготарида Тошкентда рўй берган табиий оғат умумхалқ қаҳрамонлиги туфайли тезда тутатилганлиги жонли тасвирланган. Биз расмда соат мили 5 дан 24 дақиқа ўтганида даҳшатли воқеанинг содир бўлганлигини, шундан кейин эса, бири бирига қондош-жондош халқлар қурувчиларининг жиддий шикаст кўргани Тошкентни қайта бунёд этишга отланиб, ажойиб замонавий қурилиш иншоотлари барпо этганликларининг гувоҳи бўламиз. Расмда юқорида таъкидлаган фикрларимиз бўрттириб кўрсатилган.

Китоб графикаси хусусида айтилган юқоридағи фикрлардан шулар маълумки, китоб муаллифи баёп этган воқеа-ҳодисаларга моянд ҷиззилган расмлар, ранг-баранг полиграфик безаклар китобхон оммани коммунистик руҳда, юксак идеаллар руҳида тарбиялашда, уларда гўзаллик ва ғафосатга ишебатан меҳрмуҳаббат уйготишда, кун сайни гуркираб ўсаётган япти ижтимоий муносабатларни шакллантиришда улкан аҳамият касб этади. Китоб паққошининг турли китобларга ишлаган тасвирий безаклари билан сўз усгаси талқин этган ишяни яна ҳам равшанироқ англатишга, асарининг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга хизмат қиласди. Бошқача айтганда, асарда илгари сурилган гоялар расмда ўёки бу маънода ўз ифодасини тономоги лозим. Бунинг учун рассом автор талқин этган гояни унинг мазмунини очиб беришга хизмат этади. Ҳар бир асар фақат тераплигин, бадний нағислиги билан гина эмас, расмларининг гўзаллиги, жонлилиги, полиграфик безакларининг кўркамлиги билан ҳам китобхонга завқ бағищлаши зарур.

Қутлуғ Башаровнинг китобий безаклари ҳақида сўз юритганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, у доимо

ғоя билан безаклар уйғунлигига эришишга интилади. Рассом биринчи навбатда, кигоб мазмунини образли очиб беришга ҳаракат қилиш билан бирга, унинг ташки ва ички безагининг чиройли, бежирим, китобхон дикъатини тортадиган бўлишига ҳаракат қиласди.

Китобиниң ички безакларига: титул, контртиул, шмуцтиул, заставка, якун ва ҳарфларга келганда Қ. Башаров бу соҳада ҳам ўз қобилиятини синааб кўрди ва кутнігни патижаларга эришди. У график безаклари билан китоб саҳифаларини жонлантирувчи ва унга маъно баҳш этувчи, ажойиб яхлит ҳамда қўшсаҳифалар тузга олувчи рассом сифатида маҳорат кўрсатди.

Зотаи, қўл билан чизилган ҳарфлар китоб наққошлиги санъатининг муҳим жиҳатларидан биридир. Қ. Башаров битган ҳарфлар кўп ҳолларда у безаган китобларга мос тушади. Шунчаки қараганд, рассом ҳарфлариниң бадиий томоиига бефарқ қарагандек туюлади. Аслида бундай эмас. Кенг китобхонлар учун мўлжалланган, улугвор ва содда кўришишга молик совет китоб безатиш услуби учун ҳашамдор, дабдабалилик бутуслай ёт эканлигини Башаров жуда яхши тушуниади. Унинг сарлавҳалари доимо аниқ ўқинлади. Шунингдек, у ҳарфлариниң йириклиги, бир-бирига мос жойлашиши, айрим элементларининг вариантлари билан турли-туманиликка эришади.

Қ. Башаров полиграфия имкониятларидан келиб чиққани ҳолда бўёқлардан фойдаланади. Кўп ҳолларда у иккι-уч хил ранг тусларидан фойдаланиш билан бўёқларнинг төвланиши аниқлигига эриша олади. У бўёқ тусларини, одатда бир-бирига яқинлиги ва уйғунлиги принципи асосида танлайди. Рассом кўпроқ қизил ва қора рангларнинг турли тусларидан фойдаланиши маъқул кўради. Образлиликини ошириш мақсадида қўлланиладиган ранг Кутлуг ака сайқал берган китобларга жозибадорлик баҳш этади.

Умуман, Кутлуг Башаровнинг ўтган ўн йил мобайнида безаган китоблари бутун бир кутубхонага етай деб қолди, шулардан ажойиб бир гулдаста тузиш мумкин. Бу гулдаста китобхонларни билим даргоҳига, гўзаллик оламига олиб киришда ажойиб робита бўлмоқда.



Ш. Рашидовинг «Голублар» романига ишланған літографик рәнглік безак.



Ш. Рашидовнинг «Голиблар» романига ишланган линографик рашгли беҳзак.



Ш. Рамизовимиг «Голиблар» романига нийланған литографик раштаси безак.



Г. Бранцевнинг «Амирнинг қаличи» асаришнг муқоваси.



Г. Бранцевнинг «Амирнинг қаличи» асаридаги боб якунинг ишлаптаган безак,

Қутлұғ Башаров құйлиға мүйікалам тутганидан бүён бир жа-
хон расмлар чизди. Сиз күриб турған суратда санъаткор яна нав-
батдаги асари үстида үйланмоқда.



Қутлуг Башаров 1925 йилнинг баҳорида Олмаота обlastining Малласув қишлоғида туғилди. Отаси Башар Ворисов деҳқоиҷилик билан кун кечирган, буюк инқилобдан кейин коллектив хўжаликнинг ширин нонини баҳам кўрган. Онаси Анорхон ая ҳозир пири-бадавлат, пенсионер. Уйгур міллатига мансуб бўлажак рассом бошланғич таълимни Оқсудаги ўрта мактабда олди. Шу ўқиши жараёнида унда китоблардаги расмлардан нусха кўчиришга иштиёқ кучайди, орадан ҳеч вақт ўтмаёқ уларни айнан ҳажмда эмас, балки картонларга катталаштириб кўчириш қобилияти ҳам нишурди, фақат қишлоқда эмас, овулларда ҳам оғизга кўчди, буюртмалар ола бошлади. Атоқли санъаткорларнинг портретларида бинойидек нусха кўчириб, жамоат идораларининг ҳожатини чиқара бошлади.

1943 йилнинг 13 январида Қ. Башаров ҳарбий хизматга чақирилди ва машқларни ўтаганидан кейин сержант сифатида Ленинград яқинидаги жангларда қатнашади, 1950 йилга қадар полк мактабида безакчи рассом сифатида фаолият кўрсатади. Бўлажак рассом ҳарбий хизматдан қайтгач, Оқсудаги клубда меҳнат қилади. Ҳақиқий рассомликка бўлған иштиёқ унни Тошкентдаги П. Бенъев помли республика бадиий билим юртнинг живопись ўқитувчилик бўлимида етаклаб келди. Дастлаб унга Сафо Муҳамедов мураббийлик қилди. Кейинчалик Малион Сандов устозлигида сабоқ олди. Бадиий билим юртни аълога тутатган Қ. Башаров Марғилондаги ишакчилик комбинатида рассом-конструктор сифатида фаолиятини бошлади, кейинроқ «Гулхан» журналида рассом бўлиб ишлади.

У 1958 йилдан эътиборан «Медицина» нашриётида бош рассом вазифасида бадиий безатиш бўлнимини бошқариб келмоқда.

Санъаткорнинг баркамол асарлари фақат республикамиизда, Иттифоқимизда эмас, ҳатто чет элларда ҳам кенг намойиш қилиб келинмоқда. Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Қанада, Куба, Франция, Англия, Япония, Ҳиндистон каби давлатларда, Болгария, Чехословакия, Польша, Руминия сингари социалистик мамлакатларда совет рассомларининг асарларидан иборат ташкил этилган кўргазмалардан Қутлуг Башаровнинг ҳам баркамол асарлари муносиб ўрин олди, санъат мухлисларида муҳаббат уйғотди.

Қ. Башаровининг дастгоҳли графика ва китоб безакчилиги соҳасидаги самарали ижодий меҳнатлари Партия ва Ҳукуматимиз томонидан тақдирланди. 1970 йилнинг 18 майида у Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби фаҳрий унвонига мушарраф бўлди. Санъаткорининг «Пахтакорлар» туркум асари (1967) иккинчи даражали республика мукофотига, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги юбилейи шарафига ўтказилган энг яхши санъат асарларининг республика конкурсида «Ленин биз билан» триптихи биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди. Китобларни бадний жиҳатдан юксак савияда безаганилиги учун Қ. Башаров 1968 йили Бутуниттифоқ Ҳалқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон ССР нинг полиграфия саноатига багишланган анъанавий зонал кўргазмаларида эса, у бадний сайқал берган ва муҳаррирлик қилган 20 га яқин китоб I ва II даражали дипломларни олди. Қ. Башаров ҳозир Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси Президиумининг аъзоси, графика секциясининг бошлиги сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

МУНДАРИЖА

7	
ДЕБОЧА	
11	
ЛЕНИННОМА САРЧАШМАСИ	
25	
СОЛНЦОМА ЗИЗ ВАРАҚЛАРИДАН	
39	
«ОҚ ОЛТИН» МЕҲРИ	
51	
ЖАСУРЛАР ЖАСОРАТИ	
61	
ШЕЪРНИЯТ СЕҲРИ	
87	
КУЗ ЗИННАТИ	
99	
ЕНТОБ НАҚҚОНӢ	
120	
КАМОЛОТ ГУЛӢ	

На узбекском языке

ХАБИБ КАРИМОВ

КУТЛУГ БАШАРОВ

Редактор **Х. Эргашев**, рассом **К. Воробьёв**, расмлар редактори
И. Кириакиди, техн. редактор **В. Барсукова**, корректор
М. Кудратова

Босмахонага берилди 8.Х.-1973 й. Боснишга рухсат этилди 25.IX.
1974 й. Формати $84 \times 100^{1/32}$. Босма л. 3,875. Шартли босма л. 6,04.
Нашр. л. 4,78+0,77 (вклейкалар). Тиражи 3000. Р.11391.
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 89—73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг 1-чехида махонаси маш. мелований қогозга босилди.
Тошкент, Радиал проезд., 10. 1975 йил, заказ № 1464. Баҳоси 73 т.

Каримов Ҳ.
Қутлуг Башаров. Т., Адабиёт ва санъ-
ат нашриёти. 1975.
1246.

Санъатшунос Ҳ. Каримовиг мазкур рисоласида ЎзССРда
хизмат кўрсатгани санъат арбоби, республика Ленин Комсомоли
мукофоти лауреати Қутлуг Башаровниг ижоди таҳлил этилади.

Каримов Ҳ. Кутлуг Башаров.

7C(C52)